جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 29-noyabr
№ 49(49)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

ЧЎЛПОН БИЛАН УЧРАШУВ



“...Бир куни ўша ерга борганимда пештахта олдида салобатли, ўқимишли экани билиниб турган кўзойнакли кишига эътибор қилдим. Одоб билан салом бердим. У алик олди ва: “Йигитча, сиз қаердансиз?” деб сўради. Мен исмимни айтиб, тошкентлик, техникум ўқувчиси эканимни билдирдим. У: “Жуда яхши. Бу замонда ўқиш керак”, деди...”

(4-саҳифада ўқинг).

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

ОМОНАТГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ



“Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти”.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2025 йилнинг юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши жамиятнинг барча қатламлари олдига эзгу ва улуғвор вазифалар қўйди. Иқлим ўзгариши, табиат мувозанатининг издан чиқиши дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб турган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб энг оқилона ва муносиб йўлдан бораётганини намоён этди.

Шу ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида газетамизда “Онажоним – табиат” рукнини ташкил қилиб, ушбу йўналишдаги муҳим мавзуларни мунтазам ёритиб боришга қарор қилдик.

ТАҲРИРИЯТ

Аҳоли учун фаровон ва хавфсиз, барқарор турмуш тарзини яратиш, албатта, бош масала. Бироқ бунда тараққиёт мезонлари сифатида соғлом экологик муҳит яратиш ғоясига эътибор қилмаслик мумкин эмас. Чунки табиат мувозанати бузилган жойда ҳеч қандай амалиёт самара бермайди.

Атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ деградацияси, чўлланиш, қум ва туз бўронлари, иқлим ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот олами турларининг камайиб бораётгани, ичимлик сув танқислиги, озон қатламининг емирилиши, озиқ-овқат хавфсизлиги каби ўнлаб муаммолар қаршисида жаҳон ҳамжамияти биргаликда ечим излаши энг мақбул ёндашув экани эътироф этилмоқда. Аммо бунда, биринчи навбатда, ҳар бир мамлакат миқёсида амалга ошириладиган ишларга жиддий эътибор қаратилмоғи зарур.

ЯШИЛЛИК ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимиз эртанги куни, халқимизнинг соғлом келажаги учун, энг муҳими, ҳаётимизга хавф солиб турган глобал экологик буҳронларга қарши туришда самарали қалқон бўла оладиган ҳаётбахш ҳаракат сифатида халқаро даражада эътироф этилмоқда. Бу улкан лойиҳа шунчаки дарахт экиш акцияси эмас. У мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган, келгуси неча юз йилликларга дахлдор бўлган улкан стратегик вазифадир. Глобал исишдан, атмосфера ҳавоси ифлосланишидан сақловчи бошқа манба йўқ бизда.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги дарахт экиш тадбирида қатнашиб, халқимиз учун намуна кўрсатди. Уч йил аввал бошланган бу хайрли иш аллақачон юртимиз бўйлаб чинакам халқ ҳаракатига айланди. Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги “Тошкент ҳалқа йўли” бўйида яшил ҳудудга асос солинди. Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАРАЁН

ИККИ ПОЙТАХТНИНГ ЯКДИЛ ХАБАРНОМАСИ

Яқинда Германия пойтахти Берлинда “HAPTSTADT-BRIEF – ПОЙТАХТНОМА” номли янги газета ташкил этилди. Унда Ўзбекистон-Германия ҳамкорлик қирралари ҳақида қизиқарли мақолалар бериб борилаётир. Энг қизиғи, газета икки тилда – олмон ва ўзбек тилларида чоп этилмоқда. Унда икки мамлакат сиёсатчилари, тадбиркор ва иқтисодчилар ҳамда олимларга минбар берилган.



Ана шу газета икки олмон мамлакати бирлашган кун муносабати билан Тошкентда ташкил этилган йиғилишда жамоатчиликка расман тақдим этилди ва катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Олмонияда шу пайтгача Евроосиё минтақаси учун бунақа икки тилли газета чоп этилмаган. Бу нима дегани? Бу Ўзбекистоннинг Европа минтақасидаги обрўйи баландлигидан, Юртбошимиз олиб бораётган халқаро сиёсатнинг юксак эътирофидан далолат, албатта.

Европа Иттифоқи раҳбари Урсула фон дер Ляйен хоним йил бошида баёнот бериб, шундай деган эди: **“Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан амалга оширилаётган ўзаро алоқаларимизни вақтинча тўхтатиб турамиз, бироқ фақатгина Ўзбекистон билан бошланган ҳар томонлама муносабатларимизни бундан кейин ҳам оғишмай давом эттирамиз, чунки Ўзбекистон раҳбарияти замонавий ва демократик, очиқлик ва шаффофлик сиёсатини юргизмоқда, жаҳонда мавжуд кескинлашаётган вазиятларни бартараф қилиш ва юмшатиш йўлида янгидан-янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда”.**

(Давоми 2-саҳифада).

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Кенгесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИМ МЕНИНГ

Аму, Орол бўйларинда
Туққан юртим, элим менинг.
Бобомлардан мерос қолган
Қорақалпоқ тилим менинг.

Куйламасам “Алпомиш”ни,
Тарқармикин черим менинг.
Парвоз қилган улкан қушдай
Қорақалпоқ тилим менинг.

Ажиниёз, Бердақ бўлиб
Сайраган булбулим менинг.
Туркий забон эрур азал –
Қорақалпоқ тилим менинг.

Яшнагай туғишган эллар,
Туркий тилда гулим менинг.
Бўстонда энг гўзал, кўркам
Қорақалпоқ тилим менинг.

Онажоним сўзин айтмай
Ўтармикин куним менинг.
Ўзинг руҳим, ақлим, ўйим,
Қорақалпоқ тилим менинг.

Ҳазил, ҳажв, илмоқли сўз –
Бойлигимиз менинг, сенинг.
Мен учун туганмас илҳом
Қорақалпоқ тилим менинг.

(Давоми 2-саҳифада).

СУҲБАТ



“БОБУРНОМА” ДАНТЕ ДИЁРИДА

ТАҲРИРИЯТДАН:

Яқинда Италиянинг тарихий илмий-оммабоп адабиётларга ихтисослашган етакчи нашриётларидан бири “Sandro Teti Editore” нашриёт уйи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома” асарини илк бор итальян тилида оммавий тиражда чоп этди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг авлоди Бобур Мирзо ҳассос шоир, қомусий олим, атоқли давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида ўзидан такрорланмас ва бой ижодий-илмий мерос қолдиргани барчага маълум.

Бобур ижодининг дурдонаси, ҳеч шубҳасиз, XV-XVII асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эронда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи “Бобурнома” тарихий-биографик асаридир. Ғоят муҳим ва кўп қиррали маълумотлар асосида моҳирона тартиб берилган ушбу хотира китобини мазмун жиҳатидан беқиёс ҳаётий энциклопедияга қиёслаш мумкин.

(Давоми 5-саҳифада).

ФЕСТИВАЛЬ

Адабий дийдорлашув

Пойтахтимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ТУРКСОЙ Халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилаётган “Туркий тилли давлатлар халқаро шеърият байрами“ кизғин руҳда ўтмоқда.



Шеърият байрами иштирокчилари Адиблар хиёбони билан танишиб, шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Мамлакатимизда ижодкорларни рағбатлантириш, улар учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, ёш ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ва ибратли ишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ёзувчилар уюшмасининг анжуманлар залида XVI Халқаро туркий шеърият фестивалининг тантанали очилишига бағишланган йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид халқаро шеърият байрами иштирокчиларини қутлади.


– Ҳазрат Навоийнинг юртидаги бундай халқаро шеърият байрамида иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман, – деди Туркия Ёзарлар бирлиги раиси Муса Казим Аристан. – Турк дунёси – буюк макон. Бизнинг аждодлар асрий маънавий, маърифий, адабий ришталар билан ўзаро боғланган. Бу муштаракликни, илдизларимизнинг кўҳналигини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўзбек тилида нашр қилинган 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси тақдимоти ҳам ўтказилди. Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши еттинчи саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналарини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ғояси тез орада амалга ошганидан барча туркий тилли ёзарлар ҳайратларини яширолмадилар. Шунингдек, тадбирлар доирасида туркий адибларнинг бир нечта китоби тақдимоти ҳам кўзда тутилган.

XVI Халқаро туркий шеърият байрами ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашинувида муҳим аҳамият касб этиши билан диққатга сазовор. Адабий анжуманлар, давра суҳбатлари, мушоиралар, тақдимотлар, маърифий мулоқотлар давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА
(ЎзА)

НУҚТАИ НАЗАР



МАЪНАВИЙ ЭКСПЕРТИЗА – ҚОНУН ТАЛАБИ!

“Сўз эркинлиги маданиятсизлик базми эмас!” мақоласини ўқиб

Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистонда медиамаҳсулотлар маънавий экспертизадан ўтказилиши тартиби жорий этилиши тўғрисидаги маълумоти юзасидан интернет сайтларда, ижтимоий тармоқларда ижобийга қараганда кўпроқ танқидий фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, “Facebook”даги бир фаол иштирокчининг саҳифасида бу “қип-қизил цензура”, сўз ва ижод эркинлигига таҳдид деб баҳоланиб, “Маънавият маркази ўзининг ҳаракатлари қайси қонун, Конституция ва халқаро нормаларга мувофиқлигини изоҳлай оладими?” деган савол қўйилган.

Бу саволга жавоб битта: медиамаҳсулотларнинг маънавий экспертизаси зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ахборот ва маданий фаолият соҳаларини тартибга солувчи барча қонунлари нормаларидан келиб чиқади.

(Давоми 3-саҳифада).

ОМОНАТГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Уларни парваришлаш учун 3 та сунъий сув ҳавзаси ва 12 та қудуқ барпо этилди.

Ушбу ҳудуд Тошкент “яшил белбоғ”ининг бир қисми бўлади. Яъни, пойтахтимиз мусаффо ҳавосини таъминлайдиган манба, инсон омили туфайли атмосферага чиқарилаётган заҳарли газларнинг табиий фильтрига айланади. “Яшил макон” лойиҳасида ҳар бир шаҳар атрофида мана шундай “яшил белбоғ”лар яратилмоқда.

Бундай “яшил белбоғ”лар яратишга, айниқса, Оролбўйи минтақаси, хусусан, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилиб, барпо этилган “яшил қопламалар” орасида озуқавий бирлиги юқори, ноанъанавий, шўр ва сувсизликка чидамли бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар плантациялари яратиш кўпайтирилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўшиши керак”,** деган фикрлари табиатимизга, халқимиз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз қалбида акс садо берди, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда ҳеч қайси соҳа атроф-муҳитдан айро ҳолда фаолият юрита олмайди. Сабаби, атроф-муҳит деганимиз, бу – биз нафас олаётган ҳаво, ичаётган сувимиз, яшаётган она заминимиз ва ундаги тирик мавжудотлардир. Бу “олтин ҳалқа”нинг узилиши, яъни мувозанатнинг бузилиши ҳар бир тирик организм учун ҳалокатли бўлиши тайин.

Ачинарлиси шундаки, шу пайтгача кузатилган экологик фалокатларнинг аксарияти инсон таъсирида юзага келган. Одамзод ўзи ҳаёт кечираётган экотизимнинг вайрон бўлишига энг катта “ҳисса қўшаётган” омил бўлиб турибди. Бу – ўзи ўтирган шохни арралаётган аноийнинг ҳолатини эслатади. Шу боис аҳолининг экологик саводхонлигини тизимли равишда ошириб бориш, фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш, қонун ва қонуности ҳужжатларида экологик меъёрларга амал қилинишини таъминлаш, экологик ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни кучайтириш, таъсирчан жазо механизмларини қўллаш каби бир қанча долзарб вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Биргина дарахтнинг ноқонуний кесилиши, белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш, ўзбошимчалик билан ов қилиш, йиртқич ҳайвонларни қонунга хилоф равишда тутқунликда сақлаш каби юзлаб ҳолатларда жонкуяр юртдошларимизнинг куюнчаклик билан қилган мурожаатлари экотизимга етказилаётган зарарнинг бартараф этилишига сабаб бўлаётир. Бунда Ўзбекистон Экологик партиясининг жойлардаги масъуллари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фаолият юритяпти.

ОНА ТАБИАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

Мен шу соҳа ишини озми-кўпми биладиган, шу тизимда фаолият кўрсатаётган, соҳага оид илмий изланишлардан бирмунча хабардор киши сифатида бир нарсани айтишим мумкин: табиатни асраш биз учун қадриятга айланмас экан, инсон ҳам, жамият ҳам тараққиётга эриша олмайди.

Пухта ишлаб чиқилган қонунлар, ҳуқуқбузарнинг жавобгарликка тортилиши, афсуски, муаммонинг узил-кесил ечими бўла олмаслиги мумкин. Биз фуқароларда қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга сўзсиз риоя этиш хусусиятини шакллантиришимиз жуда муҳим. Ўтган йиллар мобайнида қонун бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар масъул раҳбарлар фаолиятида ҳам кузатилди. Катта-катта яшил майдонларни буткул йўқ қилиб, ўрнига кўп қаватли уй ёки ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун айрим шахсларнинг эртани ўйламай қабул қилган калтабин қарорлари сабаб бўлди. Бундай ҳолатлар халқимиз учун қимматга тушди. Оқибатларини келажакда ҳам яна кўришимиз мумкин.

Биз бунга қарши самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бугун катта шаҳарларимизда аҳоли нафас олиши учун тоза ҳаво, ҳордиқ чиқариши учун хиёбон ва боғлар, яшил ҳудудлар, парклар бўлиши, албатта, зарур.

Қолаверса, биз ота-боболаримиз қадриятларига уйғун равишда табиий ва соғлом ҳаёт тарзини юқори тутишимиз керак. Фуқароларнинг пиёда сайр қилиши, велосипедда ҳаракатланиши, жозибали ва ҳар томонлама қулай жамоат транспортидан фойдаланиши, оилада ҳар бир янги туғилган чақалоққа атаб кўчат ўтқазиши кабилар нафақат аждодларимиз анъаналарига садоқат, балки бугунги ва келажак авлод олдидаги бурчимиз, вазифамиз ҳамдир.

Биз экологик таълим-тарбияни оиладан бошлаб, боғча, мактаб ва олий таълимда изчил давом эттириш зарур, деганда айнан шуни назарда тутамиз. Мен шу соҳа ишини озми-кўпми биладиган, шу тизимда фаолият кўрсатаётган, соҳага оид илмий изланишлардан бирмунча хабардор киши сифатида бир нарсани айтишим мумкин: табиатни асраш биз учун қадриятга айланмас экан, инсон ҳам, жамият ҳам тараққиётга эриша олмайди.

Табиат бизга ота-боболардан қолган мерос эмас. Аксинча, у келажак авлодларга асраб-авайлаб етказиб беришимиз керак бўлган омонатдир. Омонатга хиёнат эса кечирилмайди.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

ИККИ ПОЙТАХТНИНГ ЯКДИЛ ХАБАРНОМАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур эътирофнинг исботи сифатида шу йил октябрь ойида Германия Федерал канцлери Олаф Шольц жанобларининг мамлакатимизга давлат ташрифи, унинг тарихий шаҳар – Самарқандда кутиб олиниши, ташриф давомида эришилган икки томонлама манфаатли келишув ва шартномалар мавжуд ҳамкорлигимизга янада катта туртки бўлди.

Икки тилда чоп этиладиган газетада нашр бош муҳаррирининг мақоласида Ўзбекистонда кечаётган тарихий ислоҳотлар эътироф этилиб, унинг кенг имкониятлар мамлакатига айланиб бораётгани, ҳамкорлик учун минтақадаги энг жозибадор давлат сифатида кўрилаётгани тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, расмий ташрифлар чоғида эришилган қатор келишувлар ва уларнинг истиқболлари ҳам таҳлил қилинади.

Газета мундарижасидан ўрин олган Ўзбекистоннинг Олмониядаги элчиси Дилшод Аҳатовнинг “Ўзбекистон инновацияларни қўллаб-қувватлаб, фаровонликни оширмоқда”, Саксен-Анҳалт ўлкаси президенти Гуннар Шелленбергернинг “Учрашувлар ва аламашиниш бир-биримизни тушунишга ёрдам беради” каби долзарб фикр-мулоҳазаларга бой мақолалари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бундан ташқари, “Bright Uzbekistan” жаридасининг бош муҳаррири Даврон Абдуллаевнинг “Шарқда шундайин бир шаҳар бор” мақоласида Тошкент шаҳри ўтмиши ва ҳозири ҳақидаги гўзал мақола ҳам газета саҳифаларини безаган. Айтишим керакки, 16 саҳифадан иборат бу газетанинг ҳар саҳифасида бир-биридан қизиқарли мавзу ва материалларни ўқиш мумкин. Газетадаги мақолалар икки мамлакат тарихи ва тақдири ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлагани билан ҳам аҳамиятлидир.

Қуйида “HAPTSTADT-BRIEF – ПОЙТАХТНОМА” газетаси бош муҳаррирининг “Германия ва Ўзбекистон – ҳамкорлик истиқболлари” номли мақоласи эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Хуррам РАҲИМОВ,
профессор

ГЕРМАНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН – ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Федерал канцлер Олаф Шольцнинг Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистонга сафари минтақа учун муҳим аҳамиятга эга воқеалардан бири бўлди. Чунки Совет Иттифоқи таназзулидан кейинги 30 йил давомида айнан Ўзбекистон миллий анъаналар ва замонавийлик масаласида мувозанат сақлаб келаётган ва кўп соҳаларда тараққий этиб, дунёга очилиб бораётган давлатлардан биридир.

Бу ерда энг муҳим жиҳатлардан бири иқтисодиётнинг тобора либераллашиб бораётгани натижасида ғарб корхоналарининг фаоллиги ошишига имконият яратилаётганидир. Федерал канцлер Олаф Шольц ташрифининг сабабларини ҳам шунда кўриш мумкин.

2024 йилнинг 15 сентябридаги Ўзбекистонга ташриф Z5+1 форматидаги учрашувнинг бошланиши бўлди. Канцлер Марказий Осиёнинг беш давлати – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон раҳбарлари билан мулоқот қилди. Унда иқтисодиёт, энергетика, иқлим ва атроф-муҳит масалалари кўриб чиқилди. Бу мулоқотлар Марказий Осиё ва Германия (Европа Иттифоқи) муносабатларининг қалинлашаётганини кўрсатмоқда. Бу айниқса, Ўзбекистон учун муҳим, чунки ҳамкорликни яхшилашнинг энг яхши йўли, бу иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришда икки томонлама келишувларга эришишдир.

МИГРАЦИЯ БЎЙИЧА КЕЛИШУВ ОРҚАЛИ ЯҚИНЛАШИШ

Олаф Шольц ташрифининг асосий мавзуларидан бири Ўзбекистон билан миграция бўйича келишув бўлди. Унга биноан энди ўзбекистонликлар Германияга бориб ишлаши мумкин. Германия асосан соғлиқни сақлаш ва кексаларни парваришлаш соҳасида хориждан келадиган малакали ишчиларга муҳтож. Албатта, бошқа соҳаларга ҳам тааллуқли бу. Ўзбекистон аҳолиси ёш ва кўпчилик малакали ишчилар ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон таълим соҳасини Германиянинг эҳтиёжи ва талабларига мослаши мумкин.

Бундай келишув иккала томон учун манфаатли бўлиши кутилмоқда, чунки Ўзбекистонда кўп ёшлар ҳозирда иш билан етарлича банд эмас. Бу самарали алмашиниш ва ўзаро муносабатлар учун жуда яхши омил. Миграция бўйича келишув орқали Ўзбекистон ва Германия ижтимоий ва иқтисодий томондан ҳам бир-бирига янада яқинлашади. Одатда, бундай келишувлар табиатан ҳар доим икки давлат ўртасида маданий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик кучайишига олиб келади. Айни чоғда, бу Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очади.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ОРҚАЛИ АЛМАШИНУВ

Икки пойтахт – Тошкент ва Берлин деярли ўттиз йилдан бери биродарлашган шаҳар мақомида миллий муносабатлар чуқурлашуви учун ўзига хос калит бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки у геосиёсатдан четланиш ва хос масалаларга эътибор қаратишга; бошқа мавзуларга чалғимасдан, прагматик алмашинишга кўпроқ имконият беради.

Олаф Шольцнинг ташрифидан кейин Ўзбекистонга келган Берлиннинг адлия сенатори Фелор Баденберг ва ички ишлар сенатори Ирис Спрангер Ўзбекистонда сал кўпроқ муддат бўлишди. Улар Тошкентда ўтказилган Германиянинг 1990 йил 3 октябрдаги Германия бирлиги кунини нишонлашга бағишланган бир ҳафталик тантанада иштирок этишди ҳамда маъмурий, адлия ва хавфсизлик мавзуларида мулоқот қилишди.

Германия пойтахти Берлинга келажакда Ўзбекистондан кўп ёшлар келиб ишлаши ва бу ерда бир неча йил яшаб, ўзбек маданиятини Германия пойтахти аҳлига янада яқинроқ таништириши мумкин.

Федерал канцлер ва икки сенаторнинг ташрифи минтақалараро муносабатлар янада яқинлашиб бораётгани ва мулоқот хоҳишини намоён этмоқда.

1 ДЕКАБРЬ – ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ КУНИ

АЖИНИЁЗ, БЕРДАҚ БЎЛИБ...



Бошланиши 1-саҳифада.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонида қорақалпоқ тили ва адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган уч улуғ адиб – Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайипбергеновнинг ҳам муаззам ҳайкаллари ўрнатилиши бутун халқимиз, хусусан, қорақалпоқ элига катта қувонч ва ғурур бағишлади.

Туркий тилимизни Осиё тупроғида илдиз отган бақувват чинор сифатида тасаввур қилсак, қорақалпоқ тили шу бақувват чинорнинг битта шохи, ям-яшил япроғидир.

Қадим замонлардан буён қорақалпоқлар ўзбек, қозоқ, туркман ва бошқа туркий миллатлар билан қўшни, ёнма-ён яшаган. Ярим ўтроқ ҳаёт кечирган бу халқ чорва, овчилик ва деҳқончилик билан кун кўрган. Жировларимиз минг йиллар аввал “Алпомиш” достонини айтиб, юракларни сел қилган. Бахшилар “Ошиқ Ғариб”ни куйлаб, кўнгилларни дарёдек тоширган. Кенг саҳрони макон қилиб от чоптирган туркий халқларнинг қўшиқларию куйларининг оҳанглари бир-бирига ундош, дарддош, мунгдош.

Ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқлар Ўрхун-Энасой даврларида туркий тил тармоқлари: ўғуз, қипчоқ, қарлуқ ва бошқа лаҳжаларида яратган эртаклар, достонлар, асарларнинг ўзаги ягона. Менимча, қадимги олтой достони “Манас”дан ҳозирги “Алпомиш” ва қирғизларнинг машҳур “Манас” эпоси келиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Ҳозирги қорақалпоқ ёзувига XX аср бошларида асос солинди. Дастлабки қорақалпоқ алифбосини яратган шоир ва аллома, жадид Сайфулғабит Мажитов эди. У Қосим Авазов билан биргаликда араб ҳарфлари асосида ислоҳ қилинган қорақалпоқ ёзувини муомалага киритди.

1830 йилларда мадрасага шогирд-талаба бўлиб борган Бердақ Қарғабай ўғли бир шеърида:

Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,

– деб ёзган эди. Шоирнинг Алишер Навоий ғазалларини севиб ёд олгани, бу – қорақалпоқ ва ўзбек тиллари аввалдан чамбарчас боғлиқ эканидан дарак беради. У пайтларда мадрасаларда Алишер Навоий, Фузулий, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр шеърлари ўқитилган ва талабалар севиб ёд олган.

Умумтуркий фольклордан баҳра олган қорақалпоқ халқи оғзаки ижодиёти бой ва ранг-барангдир. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими илмий ходимлари томонидан ўнлаб халқ достонлари ва уларнинг вариантлари, юзлаб эртаклар, асотирлар, қўшиқлар ёзиб олиниб, таснифлаб, чоп этилган. Бу даргоҳда халқ оғзаки ижодиёти намуналари жамланган, 100 жилддан иборат мажмуа ҳам нашр қилинди. Оғзаки ижод намуналари ва халқ достонларининг сероблиги қорақалпоқ халқининг ижодга ташна ва илҳоми қайноқ эканидан дарак беради.

XVIII-XIX асрларда ижод қилган Жиян Жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби алломалар қорақалпоқ тили ривожини янги босқичга кўтарди. Айниқса, Ажиниёз Қўсибой ўғли қорақалпоқ шеъриятига ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини (аруз вазни, янги метафоралар, араб, форс, эски ўзбек тилидан сўзларни) олиб кириш орқали тилимизни янада бойитди. Ажиниёз ижодини ўрганувчилар ва таржимонлар “шоир шеърлари туркий китобсеварларга таржимасиз ҳам деярли тушунарли”, деган фикрни алоҳида таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Ўтган асрда қорақалпоқ ёзуви ва грамматикаси ишлаб чиқилди. Ижодкорларимиз ўз она тилида ёзган асарларида халқимизнинг бой маданияти, урф-одатлари, олижаноб ва гўзал қадриятларини оламга танитди. Қорақалпоғистон халқ шоири ва Ўзбекистон халқ артисти Аббаз Дабилов халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганган ижодкорлардан бири эди. Ўзбекистон халқ шоирлари Тиловберген Жумамуратов, Ибройим Юсупов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Жўлмирза Оймирзаев, Тўлепберген Қайипбергенов ўзларининг гўзал шеърлари, достонлари, романлари билан ўзбек китобхонларига кенг танилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар шарофати билан қорақалпоқ тили ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, турк тиллари қаторида ривожланишнинг янги тарихий даврини бошидан кечирмоқда. Қорақалпоғистонда ўзбек тили билан бир қаторда қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилди. Ўндан зиёд газета ва журналлар, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабалари учун дарсликлар, бадиий адабиёт намуналари қорақалпоқ тилида нашр этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонида қорақалпоқ тили ва адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган адибларимизга муҳташам ҳайкаллар ўрнатилгани ҳам халқимизга кўрсатилган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Бир қатор телерадиоканаллар, газета-журналлар шу тилда узлуксиз иш юритяпти. Ўтган йили етти жилдлик “Қорақалпоқ тилининг тушунтирма сўзлиги” луғати нашр этилгани ҳам унинг ривожида муҳим воқеа бўлди.

2024 йил мамлакатимизда қорақалпоқ мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси Ажиниёз йили бўлди, десак адашмаймиз. Шоир таваллудининг 200 йиллик тантаналари халқаро миқёсда юксак даражада нишонланиши Янги Ўзбекистонда маданият ва адабиётга, тилимизга, миллий меросимизга жуда катта эътибор қаратилаётганининг амалий исботидир. Бу ишларга бош-қош бўлиб келаётган ҳурматли Президентимизга миннатдорлигимиз ва ризолигимиз чексиздир.

Бошланиши 1-саҳифада.

МАЪНАВИЙ ЭКСПЕРТИЗА – ҚОНУН ТАЛАБИ!

“Сўз эркинлиги маданиятсизлик базми эмас!” мақоласини ўқиб

Конституциямизнинг 33-моддаси ижтимоий ахлоқни таъминлаш мақсадида ахборотни тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга йўл қўйилишини белгилайди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4, 14-моддалари эса жамиятнинг ахлоқий қадриятларини таъминлаш мақсадида ахборот олиш чекланиши мумкинлигини, маънавий бойликларни асраш жамиятимизнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш йўлларидан бири эканлигини белгилайди. “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги маданий фаолиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Ўз-ўзидан келиб чиқадики, ижодий фаолият эркинлиги ҳам маънавий-ахлоқий меъёрлар доирасида бўлиши керак. Қонуннинг 21-моддаси концерт-томоша тадбирларида одоб-ахлоқ қоидаларига, маънавиятга, миллий менталитетга мувофиқ бўлган мусиқий асарлар ижро этилишини тақозо этади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, маънавий-ахлоқий мезонларга зид медиамаҳсулотларнинг намойиш этилиши ва тарқатилишига йўл қўймаслик учун мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан махсус қарорлар қабул қилинишига ва бу борада амалга ошириладиган ишларни “маънавий экспертиза” деб номлашга ҳеч қандай зарурат йўқ. Чунки бундай ишларни амалга ошириш ахборот, маданият, санъат соҳаларини тартибга солишга, жамиятимизда маънавият ва маърифат тарғиботига масъул мутасадди идоралар ва ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси каби ижодий профессионал ташкилотларнинг кундалик вазифаси, уларнинг низомларида, уставларида белгиланган функцияларидир. Бундан ташқари, қонунларимизга мувофиқ маданий медиамаҳсулотларни яратувчи ва тарқатувчи ташкилотларда бадиий кенгашлар мавжуд бўлиши керак, улар қонун талабларидан келиб чиқиб ишласа, қўшимча яна “маънавий экспертиза” гуруҳларини ташкил қилишга зарурат бўлмайди.

Айни пайтда аҳолимиз “истеъмол” қиладиган медиамаҳсулотлар борасида аҳвол жуда ачинарли ва нотўғри талқин қилинадиган сўз ва ижод эркинлиги байроғи остида йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда.

Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири – назорат ва цензура тушунчаларининг фарқланмаслигида. “Цензура қилинмасин” деб назорат ҳам қилинмайдиган бўлиб қолди...

Цензура – ахборотни эълон қилишдан олдин махсус идора томонидан текшириш. Бу қонун билан тақиқланган. Лекин ахборот тарқатиш қоидалари бор! Сўз эркинлиги деган ҳар ким хоҳлаганини хоҳлаган шаклда яратишга ва тарқатишга ҳақли дегани эмас! Шахсий автомобилингизни исталган жойда, исталган вақтда ҳайдашингиз мумкин – сиз эркинсиз! Лекин йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга мажбурсиз, ушбу қоидаларга шахсий мулкингиздан фойдаланишга чеклов сифатида қараш мумкин эмас.

Яна бир сабаб шундан иборатки, аксарият ОАВлар, маданият ва санъат соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хусусий бизнес тузилма – тадбиркорлик субъекти шаклида фаолият юритишади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ тадбиркорлик – “тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”. Яъни, ҳаммамиз биламизки, бизнеснинг асосий мақсади – фойда олиш. Бугун ана шу мақсадга эришиш жазавасига тушган интернет-сайтлар, хусусий телеканаллар, қўшиқчи, киночи шоуменлар одамлар эътиборини тортиш, рейтингини ошириш, реклама берувчиларни жалб этиш йўлида кўплаб савиясиз кўрсатувларни, сериалларни эфирга узатмоқдалар, шов-шувли ахборотларни тарқатмоқдалар.

Одамларимиз давлат телеканалларига қараганда хусусий телеканалларни кўпроқ томоша қиладилар. Бу телеканаллар эса фойдали ахборот билан эмас, балки бадиий савияси паст, мазмуни саёз сериаллар, шоуменларнинг бачкана қилиқларию тутуриқсиз, тил қоидаларини бузиб, кўча тилида айтилган гапларига бой кўнгилочар шоу-дастурлар, бемаъни, енгил-елпи қўшиқлар, шов-шувли янгиликлар билан одамларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг аксарият кўрсатувлари инсон онгу тафаккури, руҳияти, дунёқараши, маънавиятига, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи ахборот – маънавий заҳардир.

Ҳар жойда янграётган бемаъни қўшиқлар сон-саноқсиз... Шоу-бизнесменларнинг сохта маҳсулотлари маънавий ҳаётимизда асл мусиқий санъат асарлари ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда... Уларнинг бемаъни, савиясиз, бачкана, енгил-елпи мусиқасимон шовқин шаклидаги “ижод” маҳсулотлари телерадиоканаллар, интернет, ижтимоий тармоқлар, концертлар, оммавий тадбирлар, тўю томошалар, кўча-кўйда, кафе-ресторанларда, барча жамоат жойларида тақдим этилиб, тарғиб, реклама қилиниб, одамларнинг мусиқий дидини тубанлаштирмоқда, улар онгини заҳарламоқда, маънавиятини емирмоқда.

Мисоллар: “Атрофингда шаҳзодалар кўп. Кел, ўшалар олдида мен ғарибни битта ўп” деб куйланадиган шоу-бизнес маҳсулоти ҳалигача “хит” асар бўлиб қолмоқда... Ҳатто давлатга қарашли “Наво” телеканали орқали ҳам шоуменларнинг бемаъни қўшиқлари пулли асосда эфирга берилиши давом этмоқда... Буни тўхтатиш керак! Давлат телеканали шундай қилаётган бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин, ахир?!

Президентимиз 2017 йил 3 август куни, юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда **“Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”,** деб алоҳида таъкидлаган эди. Мана, етти йилдан кўп вақт ўтди. Афсуски, давлат раҳбарининг ушбу кўрсатмаси ОАВ ходимлари, мутасадди давлат органлари, депутатлик корпуси, ижодкор зиёлиларимиз томонидан ҳалигача англаб етилмади. Натижада бизнес субъекти бўлган ташкилотлар ва шахслар томонидан яратилаётган ва тарқатилаётган зарарли медиамаҳсулотлар кундан-кунга кўпайиб, жамиятимизда маънавий емирилиш аломатларини кучайтирмоқда.

Медиамаҳсулотларни яратиш ва тарқатиш соҳасида маънавият сари бурилиш қилиш учун оммавий ахборот воситаларини, маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларни тадбиркорлик субъекти эмас, балки фақат нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият кўрсатиши мумкинлигини назарда тутувчи меъёрни қонун йўли билан белгилаб қўйишнинг вақти аллақачон келган!

Мутасадди идоралар – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Маданият вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларини ишга солиб, ахборот ва маданий фаолият соҳаларида маънавий заҳар тарқатаётган шахслар ва оммавий ахборот воситалари, жумладан, хусусий телеканалларга нисбатан тегишли чораларни кўришлари шарт деб ўйлайман.

Мамлакатимиз зиёлиларининг жамоат ташкилотлари – журналистлар, ёзувчилар, композиторлар уюшмалари ҳам жим турмасдан, Маънавият ва маърифат маркази билан бир қаторда медиамаҳсулотлар борасида маънавият сари бурилиш ясашда фаолроқ бўлиб, жамоатчилик орасида тушунтириш, тарғибот ишларини жадаллаштиришлари керак.

Хуллас, медиамаҳсулот яратиш ва тарқатиш қоидаларини замон талаблари, ҳаёт воқеликлари, соғлом информацион ва маънавий муҳит яратиш заруратидан келиб чиқиб такомиллаштириш, қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бу борада қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш – ҳаётий зарурат.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

“Hurriyat” газетасининг 2024 йил 27 ноябрь 47-сонидан олинди.

“АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА:

Ахборот эркинлиги:
...Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

ТАҲРИРИЯТДАН:

“Президентимиз 2017 йил 3 август куни, юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Мана, етти йилдан кўп вақт ўтди. Афсуски, давлат раҳбарининг ушбу кўрсатмаси ОАВ ходимлари, мутасадди давлат органлари, депутатлик корпуси, ижодкор зиёлиларимиз томонидан ҳалигача англаб етилмади”.

Биз бу оғриқли муаммони газетамизнинг ўтган сонларида сериаллар, теленовеллалар, ижтимоий тармоқ саҳифаларида берилаётган тутуриқсиз видеомаҳсулотлар ва сийқа қўшиқларга таҳлилий ва танқидий муносабат тарзида қатор мақолалар бериб борганмиз.

Фарҳод Қурбонбоев иқтисодчи олим сифатида масалага қонунчилик нуқтаи назаридан ёндашиб, ортиқча ҳис-туйғуга берилмаган ҳолда кўпчилигимизни иккилантириб турган жиҳатларга ойдинлик киритиб берган.

Қадрли газетхон, ушбу долзарб мақолани эътиборингизга ҳавола этаркамиз, Сизнинг ҳам айни мавзу юзасидан муносабатингизни кутиб қоламиз. Зеро, бу масала нафақат бугунимиз, балки эртамиз қандай қиёфа касб этишини ҳам белгилаб бергувчи омилдир.

ИБРАТ

МУЗЕЙ ОЧГАН ОТАХОН

Саксон ёшли отахон жадид боболаримизнинг чинакам тарғиботчисига айланди

Ёзёвонлик Аҳмаджон Исмоилов кексаликни қалам тебратишдан бошлади. Вулқон тоғлари ҳам узоқдан сокин кўринади. Аммо унинг туб-тубида табиатни ларзага солишга қодир қайноқ лава портлашга ҳозирлик кўраётган бўлади. Қаҳрамонимиз ҳам бир умр кўз олдимизда юриб, “очилур чоғ”ини кутиб турган эканми – очилди-қолди. Кетма-кет “Тошҳовуз ва тошҳовузликлар”, “Ёзёвон зиёратгоҳлари”, “Уста Маҳмуджон домла”, “Қорийи-саққо азизлар”, “Ёзёвон қомуси” китоблари дунё юзини кўрди.



Бу ёғини сўрасангиз, ўзлари Фарғона педагогика институтининг тарих-география факультетини битирган. Бир қанча муддат тумандаги 5-мактабда, 41-ҳунар-техника билим юртида ўқитувчи, илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган. Болалар ва ўсмирлар уйида “Ёш ўлкашунослар” тўгарагини бошқарган. Халқ таълими бўлимида йўриқчилик қилган.

Шунингдек, у киши биринчи даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан иззатланган нуронийларимиздан. Эҳ-ҳе, Аҳмаджон Исмоиловнинг ички олами бамисоли очилмаган қўриқ! Мана, бир мисол: у киши талабалик йиллариданоқ моҳир доирачи эди. Қадрдони Тилаволди Жўраев қўшиқ айтар, ёнида Аҳмаджон доирани гумбура-қарс чаларди. У чилдирма чалганда Қаҳрамон Дадаевнинг ўзи бўларди-қоларди!

Яна нима ҳунари бор дерсиз? Шошмай туринг. “Ёш ўлкашунослар” тўгарагини бошқарганда ўқувчи ўғил-қизлар билан сафар халталарини елкалаб, водийнинг гўзал ва манзарали гўшаларида чодир тикар, тинмай саёҳат уюштирарди. Ёзёвондан Шоҳимардон тоғларигача, бу ёғи Ёрдон чўққиларигача мотоциклда кезиб чиққан ёш саёҳатчилар ушбу сафарларни унутади, дейсизми?!

Аҳмаджон Исмоилов бирон юмушни қўл учида, шунчаки, номига, ўтди-кетди қабилида бажармайди. Чин кўнгилдан, фидойилик ва жонкуярлик билан астойдил қилади.

Ўз ҳовлисида, ўғиллари томорқасида у кўкартирган, ҳозир шиғил ҳосилга кирган лимон, апельсин дарахтларини кўриб, кўзингиз қувнайди. У киши цитрус кўчатлари етиштиришнинг Ёзёвонда энг илғори бўлганига қирқ йиллар бўлдиёв. Етиштирган лимон ва апельсин кўчатлари доим бозоргир, харидори кўп. У яратган лимон шарбати бутун Фарғона водийсида довруғли.

Кекса муаллим айни пайтда жамоатчилик ишлари билан банд. Туман ҳокимининг халқ таълими бўйича маслаҳатчиси, Ёзёвондаги қирқта мактабнинг барчасига бориб улгуради. Ёш муаллимларга маслаҳат беради. Турли учрашув ва тадбирлар бошида туради. Яқинда вилоят бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, Тошкент вилоятида жойлашган “Навбаҳор” санаторийсига йўлланма олди.

Энг қувонарлиси, у киши ўзи туғилиб ўсган қишлоқ тарихидан ҳикоя қилувчи музей очган. Бу ер ҳамиша ёшлар билан гавжум. Яқинда “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Содиқжон Турдиев ҳам музейни кўриб, юқори баҳолади.

Аҳмаджон аканинг маҳалла маслаҳатчилари гуруҳи, 34-мактаб кузатув кенгаши раиси сифатида ўз вазифасини сидқидилдан бажараётганини маҳалла аҳли ҳам, мактаб жамоаси ҳам эътироф этади.

Ёзёвон нуронийлари сардори Обид ҳожи Исоқов ташаббуси билан 60 нафар қария икки автобусда Наманган томонларга, қадимий Ахсикентга саёҳатга бордик. Йўл-йўлакай Аҳмаджон ака доирани шунақа гумбурлатиб чалиб бордики, унинг чапдастлиги ва истеъдодига ҳамма яна бир бор қойил қолди.

Тез-тез туман кутубхонасига бориб туришини айтиб ўтмасак, бўлмас. Зотан, у киши энг фаол китобхон. Мутолаадан бош кўтармайди ҳисоб!

Кейинги йилларда Аҳмаджон Исмоилов жадид боболаримизнинг чинакам тарғиботчисига айланди. Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Ибрат, Қодирий каби маърифатпарварларимиз ҳақида тўлқинланиб, баъзан кўзда ёш билан ҳикоя қилади. “Жадидлар” шеъри унинг оромини ўғирлаган. 80 ёшли Аҳмаджон бобо қайси даврага борса, шу шеърни айтиб, олқишлар олмоқда.

Отахоннинг ғайрату шижоатига қойил деймиз ва узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз!

Малик БОЙ МУҲАММАД,
Ёзёвон

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЎЗ ТИЛИМ

Ҳар кимнинг ўз она тили Ватан каби азиз ва мўътабар. Бу туйғу инсонга она сути билан сингади. Баъзан бошқа миллат вакиллари билан суҳбатлашганимизда, уларнинг ўзбек тилига илиқ муносабатини, самимий меҳрини кўриб, кўнглимиз янада нурафшон бўлади. Жонажон тилимиз билан фахрланамиз.



“Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим”

Галдаги суҳбатдошимиз Ульяна Филимонова ҳам бошқа миллат вакиласи, аммо ўзбекчани унча-мунча ўзбекдан равон гапиради. Айниқса, шоирларимизнинг шеърларини шу қадар гўзал ифода билан оҳангдор қилиб айтадики, тўғриси лол қоласиз.


Сен бўлмасанг, нима бизга
силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда
дил йўқ дерлар.
Баҳоинг-ку бериб
кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги
сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени,
она тилим!

Ўзбекнинг улуғ шоири Муҳаммад Юсуфнинг юқоридаги шеърий парчаси Ульяна Филимонова тилида янграши, тўғриси, қалбимни тўлқинлантириб юборди.

“Гарчи, рус бўлсам-да, ўзбек тилини ўзимникидай севиб ардоқлайман. Тўғри, онам ўзбекчани яхши гапира олмайди. Лекин ўзбек таомларини қойиллатиб қўяди. Айниқса, паловни. Ўзбек қўшниларимиз билан жуда аҳил-иноқ. “Бор товоғим, кел товоғим” қабилидаги удумларга қаттиқ риоя қилади. Тансиқроқ таом пиширса, маҳалладошларга илиниб обчиқади. Ўзим ҳам катта жамоага эга бўлган жойда ишлайман, Солиқ қўмитасида нуфузли лавозимда. Ҳамма хат-ҳужжатларни ўзбек тилида юритаман. Ишхонада ўзаро мулоқотимиз ҳам давлат тилида. Ўзим туғилиб, вояга етган Ўзбекистонимни жуда яхши кўраман. Шу диёрда дунёга келганимга доимо шукрона айтаман. Айтинг-чи, ўзбеклардай очиқ кўнгил, меҳрибон, меҳнаткаш, оқибатли бошқа миллат борми? Мен ўзимнинг миллатимга, рус урф-одатларига амал қилган ҳолда ўзбекларнинг ҳам анъаналарини эъзозлайман! Бошқаларга ҳам она тилингизни асранг, авайланг дейман”.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

“КУЗГИ ОЛМАЛАРНИНГ НАФАСИ ЎТКИР...”



Ҳалима АҲМЕДОВА

КУЗ ТУНИ КИРАДИ...

Куз туни киради ғамгин ва гўзал,
Тинглайман юрагим ларзасини жим.
Лабимдан сирғалиб тушади маҳтал,
Шабнамда чайилган бир сўз:
“Соғиндим...”

Кузги олмаларнинг нафаси ўткир,
Жонимни яйратар бир сир муаттар.
Шамолга айтаман: – Сен ҳам бирга кир...
Кирмайди, у мендан юз бора қайсар.

Куз менга эслатар болалигимни,
Тангадай сочилган гужум барглари.
Арғимчоқда қолган ҳур шодлигимни
Олиб кетди қачон қисмат дардлари?

Мени юпатмагин, эй дилкаш ёмғир,
Кўксимда жойланган қанча соғинч бор.
Гарчи қишлоқ юки жуда ҳам оғир,
Кунлар жилмаярди унда бахтиёр.

Билмайсан, соғинчдан ҳаприқар жоним,
Соғиндим қишлоқи қушлар сасини.
Телбадай артаман то бор имконим,
Олис хотирамнинг деразасини.

ОДАМ КЕТАЯПТИ...

Одам кетаяпти, Ҳаво кўринмас,
Минг йиллик дардимга даво кўринмас,
Чанқаган саҳроман, дарё кўринмас,
Раббим, нечун ишқнинг
дилидан қочдим?!

Авваллар дўст эдик, юз бурди чақмоқ,
Виждоним – чандилган минг битта ямоқ,
Ёдимдан чиқибди далаю сўқмоқ,
Нега, ахир, Нуҳнинг селидан қочдим?!

Ҳақиқат тонгида бўлгандим аён,
Яшадим фасллар қўйнида пинҳон,
Қарайман, ёлғонга беланган жаҳон,
Воҳки, ҳақиқатнинг йўлидан қочдим.

Осмон бемор эди, ер эди бемор,
Ҳузуримга келди қонталаш баҳор,
Сенга ишонмайман, дедим неча бор
Ва сўнгра ўнги-ю сўлидан қочдим.

Ҳаёт елкамдаги оғир тош эди,
Вужудим дардларга минг талош эди,
Кўнглим вужудимдан анча ёш эди,
Меҳрибон Ажалнинг қўлидан қочдим.

Ўзим ҳам билмайман, қандай аёлман?
Гоҳо сув, гоҳида мискин шамолман,
Раббим, бағишлагин, қора саволман,
Аланга эдим-у, кулидан қочдим.

ЖУНЖИККАН КУЗАК

Жунжиккан кузакнинг ҳомиласиман,
Руҳим ёввойи қуш патидай тўзғин.
Мен йиллар оралаб нени ахтардим,
Кўз тиккан умидим ўзимдан озғин.

Мен кутдим, милён йил энтикиб
кутдим,
Эй маъюс шодлигим, келаяпсанми?!
Менинг борлигимни унутиб қўйиб,
Боғларнинг тушини супурган санми?!

Санми, ишқ дарахтин экиб кўнглимга,
Сўнг ношуд боғбондай қўйган қуритиб.
Чарчадим, чамамда, силлам қуриди,
Яшадим бир қултум қайғуни ютиб...

Эй маъюс шодлигим, кимдасан, билмам,
Кўпирасан сароб руҳидай баланд.
Мен эса диллаша бошладим бугун
Уфқ ортидаги дарахтлар билан.

Жунжиккан уфқнинг ҳомиласиман,
Кўринмас руҳимда бирорта унсур.
Ҳаёт чиройли, деб шивирлар фақат
Ёстиғимга тушган парчагина нур.

МЕНГА НИМА БЎЛДИ?

Менга нима бўлди, кулиб юрибман
Дилимга санчилган тиканлар билан.
О, нечун бунчалар шакаргуфторман
Жонимга балони экканлар билан.

Нафратим ўлдими?
Сўндими ўчим?!
Тумандан қуёшни, муздан дарёни
Тортиб олган мен эмасмидим...
Савалаган ўша қора риёни.

Бугун мен шамоллар учирган хасман
Ва ёки шакарга ботирилган қайғу.
Боламдай эркалаб ўстирган ҳисни
Бугун соғинаман, қаерларда у?

Юрагим – зулматга қувилган соя,
Барбодим суратин чизади кимдир.
Бошимга, елкамга қўнган хазонлар
Гўёки ҳолимдан олар хавотир.

Ҳаёт ғажиб ташлар туйғуларимни
Ва яна кўз тикар тинмай кўнглима.
Кузак ҳайқиради, йиғлайди ёмғир,
Сени ёмон кўриб қолдим, Ҳалима...

ЮРАГИМГА ҚЎНМАЙ ТУР, ХАЗОН...

Юрагимга қўнмай тур, хазон,
Хотирасин йўқотган гуллар
Томорқамда ҳорғин мудрайди,
Ранги менга ўхшаб кетган куз
Хаёлимни тунга судрайди...

Юрагимга қўнмай тур, хазон,
У ким эди, ўчди ёдимдан,
Аммо недир қолди кўнглимда,
Хазон, сен ҳам сезганмисан ҳеч
Шароб таъми бордай ўлимда.

Юрагимга қўнмай тур, хазон,
Мазах қилма, яшамоқчиман,
Қозонганда дардларим зафар
Ўнта қоқшол бармоқларимга
Ўнта юлдуз тақиб қўй, заргар.

Юрагимга қўнмай тур, хазон,
Менда умид мавж урган дамда,
Кўринмайди уфқда куёш,
Ҳали вақт бор тикилма қаттиқ,
Тешангни қўй, ғамгин сангтарош.

Юрагимга қўнмай тур, хазон,
Ҳадиксираб ўтётган йўлчи,
Яқинроқ кел, қулоғим оғир.
Агар билсанг, менга айтиб бер,
Қайси тилда йиғлайди ёмғир?!

Ва менга айт, қушлар қаерда?
Кетишдими бизга билдирмай.
Томиримда қонинг ўрнида
Нега соғинч оқар мисли май?!

Юрагимга қўнмай тур, хазон...



ОЙДИНЛАР

ЧЎЛПОН БИЛАН УЧРАШУВ



Айтишим керакки, Чўлпон туфайли ҳам туркчани ўргандим, ҳам турк адабиётига, айниқса, шеъриятига ошиқ бўлиб қолдим...

Менинг она томондан бобом Ғуломқодир ота Норхўжа эшон ўғли 1907 йилда Тошкент шаҳрининг Камолон мавзесида таваллуд топган. 2006 йилда вафот этган. Ҳаёти геодезия фанини ривожлантириш ва талабаларга дарс бериш билан ўтган. Улуғ аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг геодезия бўйича ишларини жаҳон аҳлига таништирган.

У киши икки ёшида онасидан, тўққиз ёшида отасидан айрилган. Катта опасининг қўлида улғайган. Бобом гоҳида менга 30-йилларда қандай яшагани, кимлар билан учрашиб, мулоқотда бўлганини айтиб берарди. Хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Хислат, Мунаввар қори каби ўзбек маданияти намояндалари билан суҳбатлари тўғрисида сўзлаб бергани эсимда...

Ўтган йили бобомнинг бир кундалиги қўлимга тушди. Унда кўп эсдаликлар ёзилган экан. Қуйида ана шу тарихий ёднома асосида бобомнинг Чўлпон билан мулоқоти акс этган битикларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

* * *

...Чўлпон билан танишувим тасодифий бўлган. Ўшанда таълим-тарбия техникумида ўқирдим. Бу манзил илгари Саидкаримбойнинг катта ҳовлиси бўлган экан. Техникум мудири Туркияда таҳсил олган Эсон афанди эди. Унда Мунаввар қори, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазон каби зиёлилар дарс берарди. Биз ўқувчилар зарур китобларни Эски Жўвадаги Турон кутубхонасидан олар эдик.

Бир куни ўша ерга борганимда пештахта олдида салобатли, ўқимишли экани билиниб турган кўзойнакли кишига эътибор қилдим. Одоб билан салом бердим. У алик олди ва: “Йигитча, сиз қаердансиз?” деб сўради. Мен исмимни айтиб, тошкентлик, техникум ўқувчиси эканимни билдирдим. У: “Жуда яхши. Бу замонда ўқиш керак”, деди. Шу дамда кутубхоначи Абдулла ака Носиров ичкаридан олиб чиққан юпқароқ тўпламнинг муқовасига кўзим тушди: “Сарвати фунун”. Китобхон киши кутубхоначига миннатдорлик билдириб, биз билан хайрлашди ва чиқиб кетди.

Мен Абдулла акадан бу зотнинг ким эканини сўрадим.

– Шоир Чўлпон. Туркча “Сарвати фунун” журналини олди, бу кўп яхши нашр.

Шу сабаб, излаб келган китобим билан бирга ушбу журналнинг бир сонини сўраб олдим. Кейин яна келиб, тўрт-бешта нашрини олиб, синчиклаб ўқиб чиққан эдим, туркчани анча тушунадиган бўлиб қолдим.

Орадан икки ҳафтача ўтди, шекилли, Эски Жўвада Чўлпон домлани учратиб қолдим. Салом бердим. Шоир мени таниди ва алик олиб, “Кутубхонага бориб турибсизми?”, деб сўради. Мен тасдиқладим. Унинг ёнида бир гўзал рус аёли бор эди. Кейинроқ билдимки, у шоирнинг хотини экан. Шундан сўнг, яна кўп бор домла билан тасодифан учрашиб қоладиган бўлдим. У киши Ҳамза театри ёнидан кўп ўтарди. Мен ундан турк шеърияти намояндалари ҳақида сўрар эдим ва аниқ, мушоҳадали жавоблар олардим. Ҳар гал, у менга “йигитча” деб мурожаат қилар эди. Унинг сиймоси ҳамон кўз олдимда.

Айтишим керакки, Чўлпон туфайли ҳам туркчани ўргандим, ҳам турк адабиётига, айниқса, шеъриятига ошиқ бўлиб қолдим. Абдулҳақ Ҳомид, Тофвиқ Фикрат, Ризо Товфиқ, Ўрхон Сайфи, Яҳё Камол ижодини севар эдим. Уларнинг айрим асарларини ёд олганман. Шу ижодкорлар таъсиримми, гоҳо ўзим ҳам шеър қоралардим.

1925 йилда ўқув даргоҳимиз қулайроқ бўлган, янги шаҳардаги шинам бинога кўчди. Шу сабабми, Чўлпон билан тасодифий, лекин кўнгилли учрашувларимиз тўхтаб қолди. Янги бинода биз билан Ойбек, Миркарим Осим, Ҳомил Ёқубов ҳам ўқий бошлади. Техникумимизда “Бизнинг фикр” номли деворий газета чиқар эди. Бу нашрда, айтилган ижодкорлар қатори, менинг ҳам шеър ва мақолаларим чоп этиб турилларди.

1927 йилда ўқишни битирдим. Шу муносабат билан ўқувчиларда Бухородаги осори атиқаларни зиёрат қилиш таклифи чиқди. Мен ота-онасизман, пулим деярли йўқ, бора олмадим. Техникумдошларим сафар чоғидаги бир тадбирда Чўлпон билан учрашибди. Шоир уларга “Толо йўлларида” номли тўплам қўлёзмасини кўрсатибди. Дўстларим ундаги шеърларни дафтарларига кўчириб олибди. Кейинчалик менга мақтанишди. Мен Чўлпоннинг ўша барча назмий асарларини улардан кўчириб олдим. “Толо” нима экан деб ўйлаб юргандим, биладиганлар айтишдики, андижонликлар ўз шеваларида “дала”ни шундай талаффуз қилишаркан. Вақти-вақти билан шу дафтаримдаги ажиб сатрларни ўқиб турар эдим, баъзилари ёд бўлиб кетганди:

Кўнглимга ишонмайман,
У мени адаштирди.
Кўп довонлар ошдирди,
Қарши ҳам боролмайман.

Менга эгадир кўнглим,
Бошлаган йўли – йўлим.
Ҳаммаси ўшаники,
Бир синиқ шишаники.

Севгим сусаярмикан,
Ўти пасаярмикан,
Ёки илинчак кўнглим
Ёниб кексаярмикан?

Бу севгим чинга кетса,
Эркимни асир этса,
Оҳ, шуни тушунганда,
Эс фонари сўнганда:
“Сердце разрывается!”

* * *

Лола гулнинг доғидир ҳасрати
дилдан кетмаган,
Ошён этиб ўзига бир нафас
тарк этмаган.
Сенгина эй, лолагул,
кўп асир этдинг мени!
Бир узиб сўлдирмасамми,
ҳап қараб турғин сени!

* * *

Ҳар бир кўнгил ҳавосига берилган,
Ҳар бир бўрон боронида бош яланг,
Ҳар бир бало ҳадафига кўндаланг,
Ҳар сарсари севгисига сир берган –
Телба кўнглим, тентак кўнглим,
шўх кўнглим.
Йўлларингда ҳазар ўлди ёш умрим.

* * *

Мен кўнглимни ирғитдим
Оёғингиз остига!
Қани, ханжар чиқаринг
Мен адабсиз қадига!

* * *

Бу эсдаликлардан турли хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, Чўлпон Тошкентда яшаган йиллари Хадра – Эски Жўва атрофларидан, ижарага бўлса керак, уй олган. Бу пайтда у йигирма олти-йигирма етти яшар йигит бўлган. Манбаларда ёзилганки, у рус, турк ва форс тилларини мукаммал билган. Турк адабиётига, ул заминдаги сиёсий жараёнларга жуда қизиққан. “Сарвати фунун” (“Билимлар бойлиги”) журнали айни адабий жараёнларни ифодаловчи нашр бўлган. Бу журнал орқали барча янгиликлардан хабардор бўлиб турган. Чунончи, машҳур турк шоири Тофвиқ Фикрат қатор йилларда унга бош муҳаррир бўлган.

Тарихдан маълум, Чўлпон насл-насабли бир рус қизини севиб, унга уйланган. Бу ишқ кўйида шеърлар битган. Охирги сатри “Сердце разрывается” (“Юрагим парчаланади”) деб тугалланган шеър ҳам бунга далил.

Бу эсдаликда келтирилган шеърлар “Дала йўлларида” номли тўплам ичида деб ёзилган. Лекин расман Чўлпоннинг бундай китоби чиқмаган. Менимча, бу шоирнинг ўзи учун йиққан қўлёзма тўплами бўлса керак. Шеърларнинг кўчирилиб қўлма-қўл бўлиши ўша давр ўзбек ёшларида шоирнинг ижодига қизиқиш нечоғлик кучли бўлганини яққол ифодалайди.

Озод МЎЪМИН ХЎЖА

> Энди, эй, қардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдирайлук, “адабиёт кечалари” ясайлук. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук. Агарда “баёз” ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз. Юрагимиз кундан-кун тошдан ҳам қаттиғ бўлур. Юракни эритайлук, руҳ берайлук, инқироз бўлмайлук. Меним бу ожизона фикрима қўшилатурғонлар бўлса адабиётнинг фойдаси тўғрусинда “Оина” ва “Садо”ларимизга тарихий ва адабий мақола ва шеърлар ёзсунлар, китоблар тартиб берсунлар. Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлғон нарса – адабиёт, адабиёт, адабиёт…
>
> **ЧЎЛПОН**

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ҚАТЪИЯТ ВА ЖАСОРАТ СОҲИБИ

ёхуд Бобур ва Массерман қоидаси



Инсоният ўз тарихида ҳаётини халқ хизмати, юрт ободлиги, давлат тараққиёти йўлида бахшида этган ҳукмдорларни кўп кўрган. Александр Македонский, Юлий Цезарь, Амир Темур, Сулаймон Қонуний, Жорж Вашингтон, Авраам Линкольн, Маҳатма Ганди, Уинстон Черчилль... Уларнинг ҳар бири ўзига хос бошқарув мактаби яратган улуғ сиймолар саналади. Зотан, дунёдан қанча ҳукмдор ўтган бўлса, давлат бошқарувида уларнинг бир-бирига ўхшамаган беқиёс тажрибаси бор.

Бошқарувда шахснинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мана шу ўзига хосликни яхлит бир қолипга солиш, қонунлар доирасида чеклаб қўйишнинг имкони йўқ. Ҳар ким истеъдоди, жасорати, ҳаракатчанлиги, фидойилиги, тезкорлиги, адолатпарварлиги, шахсий ёндашуви ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туриши табиий ҳол.

Америкадаги машҳур “Тайм” журналида “Тарихнинг буюк доҳийлари” рукнида таниқли адиблар, тарихчилар, ҳарбийлар ва бошқа касб вакилларининг мақолалари доимий нашр этиб борилади. Бу борада Чикаго университети профессори Жюль Массерман масалага аниқ мезон билан ёндашишни таклиф этади. Унинг фикрига кўра, сардорлар учта вазифани бажариши керак. Биринчидан, улар ўзлари бошқарган халқни тинч ва фаровон ҳаёт билан таъминлаши, иккинчидан, одамлар ўзини хавф-хатарсиз, хотиржам сезадиган жамият қуриши, учинчидан, одамларга иймон, ишонч ва эътиқод йўлини тақдим қилиши зарур.

Массерман шулар асосида буюк тарихий шахслар фаолиятини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосани илгари сурган: “Пастер ва Салк каби доҳийлар биринчи мезонга жавоб беради... Александр Македонский, Цезарь ва бошқалар иккинчи ёки учинчи талабларга мос. Будда эса, фақатгина учинчи тоифага мансубдир”.

Хўш, ана шу нуқтаи назардан қараганда, юртимиз тарихидаги закий ҳукмдорлардан бири, тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда буюк салтанатга асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шарафли фаолиятини қайси тоифага киритиш мумкин?

Бобур, гарчи, давлатни қилич билан бошқарган бўлса-да, доим адолатни биринчи ўринга қўйган, салтанат манфаати йўлида лашкарбоши ва бекларига ноҳақ озор бермаслик, уларнинг кўнглини оғритмасликка ҳаракат қилади. У ўзи барпо этган салтанатда тинч ва осойишта ҳаёт шафқатидиндур ва бу саодатни ўзумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки Тенгрининг айни карам ва иноятидиндур”, деган сўзларни дарж қилади.

Бу мисол Бобур Мирзо иймон-эътиқодда собит подшоҳ бўлганини исботлайди.

Давлат бошқарувини зиммасига олган ҳукмдор ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват ва кучли бўлиши жуда муҳимдир. Шу боис Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша давр ҳукмдорларига, темурийзодаларга баҳо беришда уларнинг мушт зарби кучидан тортиб, қилич тутиши ва камон тортишигача алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, султон Ҳусайн Мирзо тўғрисида: “Шижоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубдур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубдур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш бўлғай”, султон Умаршайх Мирзо тўғрисида: “Икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич тегурди. Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқдур”, султон Аҳмад Мирзо тўғрисида: “Шижоати бор эди, ...маъракаларда андин асари шижоат зоҳир бўлур экандур”, деган фикрларни баён қилади.

Бобур Мирзо тасаввуридаги ҳукмдор бир сўзли, қатъият ва жасорат соҳиби, собитқадам бўлмоғи, ҳар қандай тадбирга пухта ўйлаган ҳолда қўл урмоғи ва уни охирига етказмоғи лозим. Хусусан, у султон Ҳусайн Мирзо ички низоларни бостириш мақсадида Хусравшоҳга қарши икки марта от солиб, подшоҳлик азмини бажо келтира олмагани туфайли ўғиллари ва беклари олдида обрўсини йўқотганини аччиқ изтироб ва алам билан қайд этади.

Унинг назарида, ҳукмдор қўли остидагиларнинг бошини қовуштириб, уларга таъсир ўтказа оладиган, мустаҳкам иродали шахс ҳамда фикрини ўзгаларга аниқ-равшан тушунтирадиган кучли нотиқ бўлмоғи лозим. Бобур Мирзо бу борада ҳам кўпчиликка ўрнак ва намуна эди. У Ҳиндистонда маҳаллий аҳолини тамға солиғидан озод қилиб, одамларга енгиллик беради. Бир вақтлар султон Абусаид Мирзо Хожа Аҳрор Валий маслаҳатига биноан шу тажрибани қўллагани натижасида халқнинг моддий шароити яхшиланиб, эл орасида ҳукмдорнинг мавқеи ошганини таъкидлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мамлакат етакчиси ўқимишли, мушоҳадаси кенг, маънавий баркамол инсон бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, Мирзо Улуғбекни “Дин ва дунёнинг таянчи, донишманд киши эди”, дея таърифлайди ҳамда унинг ҳукмронлиги даврида Самарқандда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилганини фахр билан тилга олади.

Бобурнинг назарида салтанатни бошқариш улуғ аъмол бўлса-да, аммо унга эга бўлмоқ ва ҳокимият жиловини қўлида сақлаб турмоқ учун инсоний қадриятларни поймол этиш асло мумкин эмас. У тожу тахт илинжида падаркушлик, биродаркушлик ва фарзандкушлик каби оғир жиноятлар ботқоғига ботишни гуноҳи азим деб билади. “Бобурнома” асарида ана шундай тубанликларга қўл урган Абдуллатиф Мирзо, султон Маҳмуд Мирзо, Хусравшоҳ ва Хадичабегим каби шахслар шайтон васвасасига учган юзи қаро инсонлар сифатида талқин этилади.

Буюк ҳукмдор асоссиз қирғинбаротларни, халқни талон-торож қилишни кескин қоралайди ва бу масалаларга ўзининг қатъий муносабатини баён қилади. Жумладан, мўғул улусининг “босса ҳам ва ёки маълум бир ҳудуддан қочиб чиқса ҳам” юртни талаб кетиши ҳақида нафрат билан ёзади.

“Бобурнома”да қайд этилишича, бошқарувда асосий масъулият ҳукмдор зиммасида бўлмоғи, ҳар бир ҳукм унинг номидан чиқмоғи, беклар эса уни сўзсиз ижро этмоғи лозим. Зеро, бу давлатчиликнинг асосий тамойилидир. Асарда Шайбонийхон султон Али Мирзо ва унинг пири ўлдирилгани учун барча айбни бекларининг зиммасига юклаганини қаттиқ қоралаб: “беклар ўз хонлари билан маслаҳатлашмай бундай ишларни қилсалар, хонликка не эътибор қолиши мумкин”, деб кесатади.

Бобур Мирзо тақдир ҳукми ва даврнинг эврилишлари туфайли олис ва бегона бир юртда, ўзга дин ва расм-русумларга амал қилувчи халқлар яшайдиган улкан ҳудудда салтанат барпо этишга муваффақ бўлди. Ана шундай мураккаб шароитда у ўзи, сарой аъёнлари, бек ва ҳокимлар, аскарлари эътиқод қиладиган ислом динини асраб-авайлаш билан бир қаторда, миллатлар ўртасида тотувликни, динлараро бағрикенгликни ривожлантиришдек ғоят мураккаб ва ўта нозик вазифани ҳам шараф билан адо этди.

У ҳинд юртида сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, раиятни ягона байроқ остида бирлаштириш, турли дин ва миллат вакиллари, мазҳаблар ўртасидаги низо, адоватларга чек қўйиш, халқларнинг шаъни ва қадриятларини муносиб ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратди ва бунга эришди. Шу боис ҳам унинг шарафли номи башарият тарихи зарварақларига абадул-абад олтин ҳарфлар билан битилгандир.


Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бухоро вилояти кенгаши раиси



Бобурнинг ташаббуслари Ҳиндистонда янги бир маданият ва ҳукумат тизимини шакллантиришга олиб келди.

Жавоҳарлал НЕРУ

“БОБУРНОМА” ДАНТЕ ДИЁРИДА



Бошланиши 1-саҳифада.

“Бобурнома” ўзида халқимизнинг азалий қадриятлари, интеллектуал ва маънавий олами хазиналарини бамисоли кўзгу мисоли акс эттиради.

Ушбу нашр ўзбек ва итальян халқлари ўртасидаги адабий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларининг самарали ва ёрқин намунаси сифатида дунёга келди.

Китоб давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сўзбошиси билан очилади.

Маълумки, “Бобурнома” кўп асрлар давомида турли илмий йўналишлардаги Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига тортиб келади. Дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ушбу нодир китоб эндиликда биринчи бор итальян ўқувчиларига ҳам тақдим этилмоқда.

Асарни итальян тилида нашр этиш жараёнларига мазкур нашриёт раҳбари Сандро Тети бошчилигидаги малакали таржимонлар, муҳаррирлар ва дизайнерларнинг катта гуруҳи жалб этилди. Китобни тайёрлашда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шуҳрат Сирожиддинов ва италиялик таниқли турколог, профессор Федерико Де Ренци илмий ва адабий муҳаррирлар сифатида иштирок этди. Айни вақтда ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси ходимлари ҳам яқиндан амалий ёрдам берганини қайд этиш лозим.

Атоқли итальян олими ва адиби Франко Кардини томонидан ёзилган кириш сўзида Бобур “Сўз санъатига меҳр қўйган буюк ҳукмдор ёхуд салтанатни севган буюк адиб”, деб таърифланади. “Бобурнома”ни ўқишга жазм қилган европалик китобхон ундан бош кўтаролмай қолиши шубҳасиз. Шу аснода инсонпарвар папа Пий II – Энеа Сильвио Пикколомининг “Изоҳлар”и, император Пётр Леопольд Габсбургнинг автобиографик мулоҳазалари беихтиёр хаёлга келади; баъзан ўқувчи ўзини Монтенни, баъзан эса Марко Поло ёки Буюк Фридрих ёхуд Мелвиллни мутолаа қилаётгандек ҳис этади”, деб таъкидлайди Кардини.

Таржимон Федерико Пасторе китобга ёзган шарҳида “Бобурнома” “ўз даврининг кундалик ҳаётини қайта тиклашга имкон берадиган, ислом тамаддунига хос автобиографик асарнинг илк ростгўй намунаси” эканига алоҳида урғу беради.

Асар академик Ш.Сирожиддинов, Қ.Маъмуров, З.Тешабоевалар томонидан 2024 йилда аслиятдан инглиз тилига таржима қилиниб, “Анор” нашриётида чоп этилган нусхасидан итальян тилига ўгирилди.

Ушбу нашр Бобур Мирзо ёдномаларининг барча хусусиятларини имкон қадар кўпроқ ва тўлиқлигича сақлаб қолган ҳолда, бобурийлар даврига оид 96 та бадиий миниатюра билан безатилган. Бу сувратлар ўша замон учун тарихий, географик, этимологик омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, китоб қаҳрамонларининг характерлари ва ички дунёсини ҳақиқий, реалистик тарзда очиб берадиган рангтасвирнинг илғор йўналиши ўлароқ теран маъноси, ранглар жилоси ва нафис безаклари билан ажралиб туради.

Шу кунларда жаноб Сандро Тети юртимизда меҳмон бўлиб турибди. “Jadid” газетаси мухбири у киши билан суҳбатлашиб, мазкур китоб тўғрисида, хусусан, нашриётнинг Ўзбекистон билан боғлиқ режалари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди. Қуйида ушбу суҳбатдан парча эълон қилинмоқда. Суҳбатнинг тўлиқ матни ва аудио-видео шакли билан газетанинг расмий сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида танишиш мумкин.

* * *

Сандро ТЕТИ:

Аввало, шуни алоҳида таъкидлашим керакки, мамлакатимиз илмий жамоатчилиги учун жуда муҳим ва шарафли бўлган бу лойиҳани рўёбга чиқарганимиздан беҳад мамнунман. “Бобурнома”дек буюк адабий-тарихий асарнинг шу маҳалгача итальян тилида таржимаси мавжуд эмаслигидан, очиғи, уялиб юрардик. Бугунги катта хурсандчилигимнинг боиси шуки, бу асарнинг тўлиқ таржимаси ва нашрини айнан бизнинг нашриётимиз амалга оширишга муваффақ бўлди.

Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмоқчиман. Биз бу ноёб асарни итальян тилига инглиз тили орқали таржима қилдик. Тўғри, “Бобурнома” шу кунга қадар бир қатор таниқли инглиз ва америкалик олимлар томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Лекин ҳозирга қадар у ўзбек бобуршунослари томонидан жаҳоннинг бу етакчи тилига таржима қилинмаган эди.

Яқинда академик Шуҳрат Сирожиддинов раҳбарлигида ўзбек тилшунослари ва туркологлари жамоаси томонидан “Бобурнома” инглиз тилига таржима қилинди. Менинг назаримда, бу иш шарқшунослик илми ва бадиий таржима соҳасидаги улкан воқеа бўлди. Зеро, ўзбек олимларининг аслиятдан, яъни эски ўзбек тилидан инглиз тилига қилган таржимаси, ўйлайманки, ўқувчига асар моҳияти ва салобатини имкон қадар тўлиқ акс эттиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам нашриётимиз айнан ушбу таржимани асос қилиб олишга қарор қилди.

Қувончимнинг яна бир сабаби шуки, “Бобурнома” итальян ўқувчилари орасида тез тарқалмоқда, у аллақачон мамлакатнинг кўпгина кутубхоналари фондларидан муносиб жой эгаллади. Ўзбекистон тарихига қизиқувчилар, шунингдек, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон тарихи билан шуғулланаётган олимлар бу нашрга жиддий эътибор ва қизиқиш билдирмоқда. Менимча, бу жуда катта ютуқ.

Негаки, “Бобурнома”да мазкур ўлкаларнинг тарихи, табиати, уларни макон тутган халқлар этнографиясига оид ўта ноёб маълумотлар кенг ўрин олган. Бобур шахсан ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоният ва маҳорат билан қаламга олгани билан ҳам бу асар ўта қимматлидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, Италияда бугунги кунгача буюк Бобур яратган империяни “Мўғуллар давлати” деб атаб келгувчилар ҳам бор. Бизнинг таржимамиз ва нашримиз ушбу тарихий адолатсизлик ва хатоликни тўғрилашга, мазкур империяни илмий ҳақиқатга мос равишда “Бобурийлар салтанати” деб аташга замин яратади.

“Бобурнома”дек улуғ асарнинг китобхонлар орасида кенг тарғиб қилиш бизнинг яна бир муҳим вазифамиздир. Биз унинг кенг кўламли сотувини ташкил қилишдан ташқари, сифатли тарғиботини ҳам бошладик. Китобнинг илк халқаро тақдимоти жорий йилнинг 4 декабрь куни Рим шаҳрида бўлиб ўтади. Тадбирда халқаро ва итальян илмий жамоатчилиги вакиллари, мутахассис-олимлар, профессорлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчиси жаноб Абат Файзуллаевнинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда. Маросимда “Бобурнома”нинг итальянча нашрини камина, шунингдек, Флоренция ва Париж университетлари профессори Франко Кардини биргаликда иштирокчиларга тақдим этишни режалаштирганмиз.

Албатта, китоб тарғиботи шу биргина тақдимот билан чекланиб қолмайди. Биз 14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун муносабати билан икки жойда – Рим шаҳрида жойлашган Ла Сапиенца университетида (айтиш жоизки, бу даргоҳ талабалар сонига кўра Европада биринчи ўринда туради), шунингдек, Италиянинг энг нуфузли таълим масканларидан бўлмиш Неаполь университетида ҳам тақдимотлар ўтказишни кўзламоқдамиз.

Неаполдаги Шарқ университети шарқшунослик соҳаси бўйича Ғарб дунёсидаги энг қадимий муассасалардан бири бўлиши билан бирга, бугунги кунда юксак илмий салоҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Энг муҳими, ушбу университет ҳозирда туркий дунёни ўрганиш бўйича халқаро марказлардан бири саналади. Бу даргоҳда қадимги туркий тилларни, жумладан, замонавий ўзбек тилини ҳам мукаммал биладиган итальян олимлари илмий фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбек дўстларимиз билан ҳамкорликда амалга оширган нашримиз кейинги йилларда Италия ва Ўзбекистоннинг гуманитар алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилаётгани, албатта, биз учун катта ғурур ва фахр манбаидир. Ушбу нашр ўзбек ва итальян халқларининг ўзаро ҳурмат ва самимий муносабатларини янада мустаҳкамлашга, ишончли ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Ўзбекистоннинг Ғарб дунёсидаги ишончли ҳамкорларидан бири – бу Италия давлатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Италия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган бунинг яққол далилидир. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш – бу, албатта, муҳим, айни чоғда биз маданий-гуманитар алоқаларни, хусусан, туризм, адабиёт ва санъат, кино каби соҳаларда ўзаро алмашинувни кучайтиришимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Шу муносабат билан давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни, таъбир жоиз бўлса, мен жанговар ҳамкорлик, деган бўлардим. Бундай дейишга етарлича асосларим бор.

Бизни қизиқтирган мавзулардан яна бири ўзбек халқининг нафақат Европани, балки бутун дунёни фашизм балосидан халос этишга қўшган ҳиссаси билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда ўзбек партизанларининг Европадаги қаҳрамонликлари ҳақидаги ноёб тарихий аҳамиятга эга бўлган китоб устида ишламоқдамиз.

1943-1945 йилларда немис ва итальян фашистлари Италияни истило қилиб турган бир пайтда Италия ичкарисида уларга қарши қудратли партизанлик ҳаракати вужудга келади. Ўшанда немис асирлигидан қочишга муваффақ бўлган бир қанча ўзбек ҳарбийлари бизнинг маҳаллий партизанлар сафига келиб қўшилади ва Италия озодлиги учун жасорат билан курашади. Уларнинг айримлари қонли жангларда ҳалок бўлган, тирик қолганларидан кўплари Италия ва Ўзбекистоннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Мен Президентингиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи”ни зиёрат қилганимда, у ердаги “Шон-шараф” музейида айнан Италия тупроғида жанг қилган қаҳрамонлар номи борлигини кўриб, фахр ва ғурурга чўмдим. Қуролдош биродарлар эканимизни чин юракдан ҳис қилдим.

Юқорида айтганимдек, биз ҳозирги кунда Италиянинг фашизм балосидан озод этилганининг 80 йиллигига бағишлаб махсус китоб-альбомни нашрга тайёрламоқдамиз. Унда ўзбек халқи вакилларининг Европа, хусусан, Италия озодлиги учун олиб борган мардонавор кураши ҳам ёритилади. Биз бу борада илгари маълум бўлмаган жуда қизиқарли фактлардан фойдаланмоқчимиз. Китобда партизанлар сафида жанг қилган ўзбекистонлик жангчиларни номма-ном эслашдан ташқари, юртингизда, фронт ортида туриб ғалабага ҳисса қўшган оддий халқ матонати ҳақида ҳам маълумот берилади. Ўзбек халқи фронт учун қурол-яроғ ишлаб чиқарган, яradор жангчиларни даволаб, ҳаётга қайтарган, юз минглаб қочқинлар, етим қолган болаларга бошпана берган бағрикенг ва олижаноб халқлардан бири ҳисобланади. Мақсадимиз ушбу тарихий ҳақиқатни барча европалик ўқувчилар эътиборига етказиш, уларни бундан хабардор қилишдир.

Мазкур китоб тақдимоти доирасида Ўзбекистоннинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси атрофлича ёритиладиган кенг кўламли халқаро илмий-амалий симпозиум ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. Анжуманда ўзбек ва итальян расмий доиралари вакиллари, тарихчи олимларининг иштироки кутилмоқда. Гап шундаки, фашизм устидан ғалаба ҳақида гап кетганда, асосан собиқ Совет Иттифоқи назарда тутилади. Ҳолбуки, адолат нуқтаи назаридан олганда, бу ғалабага ўзбекистонликлар ҳам муносиб ҳисса қўшган. Халқаро ҳамжамият бу ҳақиқатдан, албатта, хабардор бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Суҳбатни
Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

МУЛОҲАЗА

КИТОБСИЗ УЙ

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 16 та нашриёт бор, уларда ҳар йили ўртача 500 номдаги китоб чоп қилиняпти. Аммо...



Элатлик аёл маслаҳат сўраб келибди. Кайфияти инқадар – йиғлаб юборай дейди: “Эрим четда ишлаб топган пулларини ой сайин юборади. “Тахини бузмай тўпла!” деб ҳар сафар тайинлайди. Орзуимиз – енгил машина олиш эди. Мана бу касофатни қаранг!”

Аёл йиғламсираб сичқон кемирган бир тахлам долларни кўрсатди. Эски дафтар муқовасига ўралган долларни сичқон жонивор бир чеккасидан маза қилиб еган... Ёғоч сандиқ ҳам тиши ўткир кемирувчидан ҳимоя қила олмаган.

“Эрим билса ўлдиради, маслаҳат беринг! Буларни банкда алмаштириб олса бўлармикан?”

Банкда ишлайдиган танишларимга қўнғироқ қилдим. Айтишдики, рақамлари бутун сақланган бўлса, алмаштириб беришади. Хизмат учун тўлов бор экан.

Аёлнинг юзига қон югурди: “Тўлайман! Долларимни алмаштириб беришса бўлгани”.

Кетар чоғида маслаҳат бердим: “Ақчангизни қалинроқ китоб ичида сақланг, сичқон зарар етказа олмайди”.

Аёл анграйиб қаради: “Уйимизда китоб йўқ-да!”

ЗИЁСИЗ УЙ

Хонқалик мебелсозлар воҳада тайёрланаётган мебелларнинг деярли ярмини саноатлашган асосда ишлаб чиқаришяпти. Буюртма бўйича хоналар ўлчамига мос мебеллар тайёрлаш, уни етказиб бериш, ўрнатиш хизмати йўлга қўйилган. Аммо... юзлаб тур мебеллар орасида китоб жавони йўқ. Чунки: “Китоб жавонига талаб йўқ. Буюртма беришмайди...”

Аёлнинг ёзда уйини таъмирлатганини кўргандим. Кўча томонига бел бўйи бетон қуйдириб, устига гулдорбрусчатка қоплашди, дарвозасининг икки томонига ҳашаматли устунлар ўрнатишди, эшигу дераза ромлари замонавий “акфа”га алмаштирилди. Томидаги шиферни темир қопламага ўзгартириб, ҳар тўрт бурчагига ажабтовур кунгира ҳам тиклашди.

Уй эмас сарой бўлди. Кўрсангиз ҳавасингиз келади.

Ташқариси шундай экан, ичкариси қандайлигини тасаввур қилдим. Хоналарига кўзни қамаштирадиган гиламлар тўшалган, замонавий мебеллар билан безатилган. Ялтироқ жавонларда чинни идишлар қаторлаштирилиб терилган.

Ҳамма нарса бор, фақат китоб йўқ!

Китоб жавони йўқ!

Мавриди келди, айтиб кетайлик. Ҳозирда тадбиркорлар халқ ҳунармандчилиги анъаналари асосида неча юз турли жаҳоний андозалар билан рақобатлашоладиган мебеллар ишлаб чиқаришмоқда. Хоразмда бу борада хонқалик мебелсозлар олдинда. Улар воҳада тайёрланаётган мебелларнинг деярли ярмисини саноатлашган асосда ишлаб чиқаришяпти. Янги иморат қурганлар, тўй бераётганлар буюртмалари бўйича хоналар ўлчамига мос мебеллар тайёрлаш, уни етказиб бериш, ўрнатиш хизмати йўлга қўйилган. Айниқса, тўй мавсумида мебелсозларнинг қўли-қўлига тегмайди – икки-уч ой олдин буюртма бермасангиз ғафлатда қоласиз.


Мебелсозлар икки ва ҳатто уч қаватли дўконларининг кенг салонларида ўзлари ишлаб чиқараётган мебеллар намуналарини намойиш ва реклама учун қўйишган. Кўриб, ҳайратингиз ошади – гўё Лувр музейига кириб қолгандек бўласиз. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли халқ ҳунармандчилигига кенг йўл очилгани, барча шароитлар яратиб берилгани шарофатидан бу!

Аммо, кўргазмани қайта ва қайта айланинг... юзлаб тур мебеллар орасида китоб жавонига кўзингиз тушмайди. Тадбиркор ажабланишингизга жавобан елка қисади: “Китоб жавонига талаб йўқ. Буюртма беришмайди...”

Икки-уч йил олдин Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларга “Бахт тўйи”да бериладиган мебеллар тўплами орасида, албатта, китоб жавони бўлиши ва китоблар тўплами билан биргаликда совға қилиш анъанаси бошланганди. Бу янгилик вақтли матбуотда, маҳаллий “ойнаи жаҳон”да роса тарғиб қилинди. Жавон тўла китобларни тўй совғаси сифатида олган бахтли оилалар рекламалари анча муддат тинмай айлантирилди ва кўп ўтмай ҳаммаси унутилди. Нега?

Ҳокимлик бошлаган эзгу ташаббус ижроси учун жойлардаги масъуллар – маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларида ҳафсала етишмади, бизнингча. Янада тўғрироғи (ачинарлиси), китобдан кўра ҳашамни яхши кўрадиган кўпчилик экан. Китоб жавони ва китоблар тўпламини тўёна сифатида беришганида бурнини жийирадиган қудалар ҳам топилган, албатта.

Бу янгиликдан руҳланиб: “Гуржиларда янги турмуш қураётган ёш оилага Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” мумтоз асарини тўёна қилиш анъанаси бор, қани бизда ҳам ёш келин-куёвларга Навоий ҳазратларининг “Хамса”сини тўёна қилишни анъанага айлантирсак”, деган мазмунда мақола ёзганман. Афсус...



САНОҚЛИ КИТОБ

Каттагина маҳалламизнинг биз қўним топган элатидаги учта кўчада бир юз йигирма чоғли хонадон бор. Биламанки, шу хонадонларнинг кўпи билан ўн бештасида китоб бор.

Саноқли китоб! (Умрим бўйи тўплаган бойлигим – беш минг дона китоб бугун қишлоқ кутубхонаси фондида ҳам йўқ).

Китобларим орасида бундан ярим аср илгари мактаб маъмурияти томонидан аъло баҳоларга ўқиганим, жамоат ишларида фаол қатнашганим учун мукофот тариқасида берилганлари ҳам бор. Уларни қайта ва қайта мутолаа қилиш асносида ўқувчилик даврим ёдимга тушади.

Ҳозирда мактаблар маъмурияти аълочи ўқувчиларга китоб ўрнига ялтироқ “ташаккурнома”, “эҳтиром ёрлиғи”, “фахрий ёрлиқ”лар беришни русумга киритишган. Ўша “ташаккурнома”лар чиройли ёғоч жилдларга жойлаштирилади. Бунинг учун оз маблағ сарфланмайди. (Ўша ёғоч жилд пулига бир нечта китоб харид қилиш мумкин). Ундан кўра китоб билан тақдирлаш минг марта афзал-ку! Ҳам ўқувчига бир умр эсдалик бўлади, ҳам ўзи ва келгусида фарзандлари шу китобларни ўқишади.

Шу ўринда айрим мактаб ва бошқа ташкилотларда онда-сонда бўлса-да китоб билан тақдирлаш анъанаси сақланиб қолганлигини эътироф этиш керак. Аммо бу борада ҳам эътирозли ўринлар кўп. Маъмурлар қайси китобларни совға сифатида бериш кераклигига эътибор қаратишмайди. (Ўзлари ўқишмагани учун дунёқарашлари панд беради, десак ҳақорат ҳисобланмас!) Маҳаллий нашриётларда чоп қилинган, бадиий савияси ҳаминқадар китобларни маҳаллий ижодкорлардан арзон нархларда сотиб олишни маъқул кўрадилар. Мумтоз ёки замонавий адабиётимиз даражасини белгилайдиган асарларни совға сифатида бериш ҳақида бош қотиришмайди. Шундан савияси паст китоб нусхаларини совға ёки мукофот тариқасида олган ўқувчи ёки ўқимай, бир чеккага ташлаб қўяди ёки ўқишга вақт топганлари тасаввурида “адабиёт шу экан-да!” деган ғариб фикр пайдо бўлади.

Олдинлари мактаб дарсликлари оммавий равишда чоп қилинар, ўқувчилар уларни сотиб олишарди. Шу тахлит ҳар синфда ўқиб-ўрганган китоблар ўзининг мулкига айланиб, уйида бир умр турарди. (Ҳозир ҳам уйимизда ўша давр дарсликлари сақланмоқда). Буларни укалари, фарзандлари қизиқиб қўлига олишлари, мутолаа қилишлари мумкин бўларди. Буям китобга қизиқишни болаликдан шакллантиришга маълум маънода хизмат қилган. Улар орасида адабиёт дарсликлари борлиги мумтоз ва замонавий адабиётни ўрганишда, тарих дарсликлари эса ўтмишимиздан бир қадар хабардор бўлишда қўл келарди, албатта. Табиий фанлар бўйича чоп қилинган дарсликлар ҳам ҳаётда баъзида керак бўлганиям рост.

Кейинчалик китобларни ижарага бериш тартиби сабаб кўпгина хонадонлар китобсиз уйга айланиб қолди...

КИТОБ ДЎКОНИ ҚАЙДАДИР?

Бугун вилоятда 13 та ахборот-ресурс маркази ҳамда 662 та кутубхона мавжуд.

Аҳолиси бир юз етмиш минглик нуфузга етган Боғот туманида бугун қанча китоб дўкони бор? Яқин-яқинларгача туман марказидаги ягона ҳисобланмиш китоб дўкони жавонлари китобларни кўтара олмасди. Ўша китоб дўкони сотувчиси Қутлимурод ака машҳур инсонлар қаторида тилга олинар, тўй даврлари тўрида ўтирарди. Туман марказига йўлимиз тушса вақт топиб китоб дўконига мўралаб, янги келган китоблар бор-йўқлиги билан қизиқардик.

Президентимизнинг китоб мутолаасига эътиборлари натижаси ўлароқ жойларда янги китоб дўконлари иш бошлади.

Китоб дўконлари сони ошди, аммо мутолаа маданияти тўла шаклланди, деб айтишга ҳали бир-икки қовун пишиғи бордек, назаримда. Бугун аксар китоб савдо расталари болохонадор дўконларнинг бир бурчагини эгаллаган, холос. Пештоғига ўқлоғдек ҳарфлар билан “Китоб дўкони” деб ёзиб қўйилган биноларнинг катта қисми қурилиш ёки озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига мўлжалланган маркетлардан иборат.

Ўша машҳур китоб дўкони эгаси Қутлимурод ака фарзандлари очган китоб дўкони растасида ҳам шу ҳол...

Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази раҳбари Раҳимбой Қурбонов чин маънода умрини китоб тарғиботига бағишлаган инсон. Бугун вилоятда 13 та ахборот-ресурс маркази ҳамда 662 та кутубхона мавжуд. Китоб фонди йилдан йилга бойиб боряпти. Раҳимбой Қурбонов раҳбар бўлган ахборот-кутубхона маркази иш тажрибаси республиканинг бир қатор вилоятларида оммалаштириляпти. Ўз навбатида кутубхоналардан фойдаланаётган китобхонлар сони ҳам ошмоқда, аммо биз истаганчалик эмас. Китобхонлар орасида ёшлар (талабаларни истисно қилсак) нисбатан кам.

Ярим йилча олдин айнан маънавият соҳасида ишлайдиган, йиғилишларда китоб ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришга чечан бир раҳбар ташкиллаштираётган тадбири бўйича маслаҳатлашиш учун келди. Тадбир китобхонлик маданияти мавзусида экан. Билганимча тавсия ва маслаҳат бердим. Суҳбат орасида китоб жавонимдан тарихий мавзудаги бир китобни дастхат қўйиб совға қилдим.

Меҳмон кетгач, қарасам совға қилган китоб ўтирган жойида қолиб кетибди. Хижолат чекиб, қўнғироқ қилиб китобни унутиб қолдирганини эслатдим ва у айтган гапдан сўнг адашганимни билдим: “Китоб ўқишга вақт қани? Қизиқадиган бировга берарсиз...”

Пўлат Бобожонов вилоятга ҳокимлик қилган даврларда хизмат вазифам тақозоси билан қабулига кирганимда бир гап айтганлар: “Менинг ёнимга китобсиз кирманг!” (У кишининг тавсияси билан юрт тарихи, элнинг иқтидорли кишилари ҳақида иккита китоб ҳам ёзганман). Ҳар сафар қабулига боришдан олдин у киши ўқимаган китобларни топишга уринардим. Уринишларим бекор кетарди – у киши ўқимаган китоб йўқ ҳисоби эди.

Айнан шу зиёли инсон раҳбарлик қилган йилларда вилоятда кўплаб китоб дўконлари ишга туширилди. Ҳатто “айирбошлаб ўқиш”да қўл келадиган “букинист” китоб дўкони ҳам иш бошлаган. Яқинда ўша дўконга йўлим тушди ва бу дўкон ҳам бошқаларига ўхшаб “аралаш савдо” масканига айланганини кўрдим ва ортимга қайтдим...

Китобли уйлар нега кўпаймаяпти?

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

Валютасини янгисига алмаштирган банкка ёндош “Китоб дўкони”га кўзи тушмабди.

Мактабда ўқиб, ёдлаганимиз “китоб – офтоб” сифатлаши шууримизга сингиб кетганидан бирор жойга меҳмонга борсам хонадонда китоб (китоб бор жойда китоб жавони ҳам, албатта, бўлади) бор-йўқлигига син соламан ва камдан кам ҳолларда кўнглим тўлиб чиқаман.

Президентимизнинг бу борада фармойишлари амалда! Китоб тарғиботи учун масъул ташкилотлар етарлича, ҳатто меъёрдан ортиқроқ. Илгари фақат пойтахтда саноқли нашриётлар фаолият юритган бўлса, бугун ҳатто туманларда ҳам хусусий нашриётлар очилган. Биргина Хоразмда 16 та нашриёт бор, уларда ҳар йили ўртача 500 номдаги китоблар чоп қилиняпти. Аммо...

Бир аср илгари “тарихимизнинг кир ва қора кунлари – сўнгги хон замонларидан” (Абдулла Қодирий) мерос жоҳилиятни йўқ қилиш учун майдонга чиққан жадид боболаримиз ишни мутолаадан – вақтли нашрлар ташкил этиш, китоблар чоп қилишни йўлга қўйишдан бошлашган. Улар тараққиётнинг пойдевори илм-маърифат устига қурилишини яхши билишган. Илм-маърифатнинг ўчоғи – илк хамиртуруши эса китобдир!

Мутолаа маданияти ривожига янгича технологиялар – ижтимоий тармоқлар тараққиёти соя ташлагани ҳақида кўп гапирилади. Гўё бу ҳолат бутун дунёда кузатилаётган иллат, деб қўшиб ҳам қўйишади. Аслида дунёнинг ривожланган давлатларида ўша янгича технологиялар (ижтимоий тармоқлар) китобхонлик маданиятига путур етказа олмагани ҳам бор гап. Бугун тараққиёт мезони “эшакаравадан сакраб, учар уловларга ўтгани” билан ҳар иккаласида ўтирган йўловчи учун мақсад – борар манзил бир эканлиги – инсоннинг ички ва ташқи дунёси диний ва ахлоқ уйғунлиги ўлароқ фозил инсонни тарбиялаш, инсониятни асраб қолиш кераклигидан иборатлигини унутмайлик! Ушбу мезонларга мос тарбия жараёнида мутолаа биринчи ўринда туради.

Элатлик аёл сичқон кемирган долларини янгисига алмаштирди ва миннатдорлик билдириш учун келиб “Ҳалиям янги китоблар чиқяптими, бирор жойда сотиладими?” деб сўради. Валютасини янгисига алмаштирган банкка ёндош “Китоб дўкони”га кўзи тушмабди.

Долларларини сичқонга едирмай сақлаш учун мендан бир дона китоб олганига нима дейсиз?

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎҚИДИНГИЗМИ?



ШЕЪРИЯТГА ОШНО МАТЕМАТИК

Бу йил таниқли математик олим, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Тўхтамурод Жўраев таваллудининг 90 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан яқинда у кишининг ибратли ҳаёт йўли, илм-фан соҳасида эришган ютуқлари хусусида мухтасар маълумот берувчи “Орзулар ушалган умр” деб номланган тўплам чоп этилди. Ушбу китобга серқирра олимнинг ҳамкасблари, замондошлари, шогирдлари ва оила аъзолари ёзган хотиралар ҳам киритилгани унинг қимматини янада оширган.

Китобни ўқир экансиз, Тўхтамурод Жўраевни биргина сифат билан таърифлаб бўлмаслигини англайсиз. Хотиралар қисмида кимдир гапни “Физика-математика фанлари доктори, Халқаро олий мактаб академиясининг академиги...” деб бошласа, бошқа бир муаллиф “Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, беназир олим” дея давом эттиради. Шогирдлари эса атоқли олимни “илм-фанимизнинг асл фидойиси”, “ўзбек математика фанининг залворли устунларидан бири”, “чинакам устоз”, “самимий ва камтарин инсон” деган сифатлар билан хотирлайди. Улар орасида “хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар соҳасида илмий мактаб яратган йирик мутахассис” дегандек, илм-фандан узоқ кишилар учун тушунарсизроқ бўлган таърифлар ҳам бор. Ҳарнечук, бу ўринда унча-мунча одамнинг бўйи ва ўйи етмайдиган соҳада чуқур илмий изланишлар олиб борган улуғ олим ҳақида гап кетмоқда.

“Илм ва ҳаёт йўллари”, “Замондошлари ва ҳамкасблари хотираси”, “Илмий соҳадаги издошлар ва шогирдлар эҳтироми”, “Оила аъзолари ва яқинлари ёдида барҳаёт”, “Бебаҳо илмий мерос” каби боблардан ташкил топган мазкур китоб академик Тўхтамурод Жўраевнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ўзида ёрқин акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, олим кўплаб фан докторлари ва номзодларининг илмий ишларига раҳбарлик қилиш, математика илмига оид қатор монографиялар, юзлаб мақолалар ёзиш билан бир қаторда, мунтазам равишда бадиий ижод билан ҳам шуғулланган ибратлидир.

Устознинг кексалик чоғида битган “Қари гилос билан дийдорлашув” шеърида шундай мисралар бор:

Ўттиз йиллик дўстимсан, ахир,
Мева қилиб бизга едирган.
Не дарахтлар кесилиб кетди,
Ўзинг қолдинг ғариб... қариган.

Ёшлигингда ҳавас қилардик,
Гуркираган бақувват эдинг.
Шохларингни қанча эгсак ҳам,
Эгилардинг, аммо синмасдинг.

Ҳаётимиз ўхшайди, билсанг,
Сен гулладинг, мен ҳам гулладим.
Сен ҳам мева, ҳам соя берсанг,
Мен илм қилиб, ғоя берардим.

Шу боис ушбу китобга ақлан математика, қалбан шеърият билан ошно бўлиб яшаган ижодкор олимнинг шеърларидан намуналар ҳам киритилгани айни муддао бўлган, дейиш мумкин. Қолаверса, китобда Тўхтамурод Жўраев умрининг ёрқин лаҳзаларидан ҳикоя қилувчи қизиқарли суратларга кенг ўрин берилган.

Бир сўз билан айтганда, узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университети ректори, Фанлар Академияси президенти лавозимларида сидқидилдан фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда олий таълим ва илм-фан соҳалари тараққиётига салмоқли улуш қўшган фидойи бир инсоннинг шарафли ҳаёт йўлига бағишланган “Орзулар ушалган умр” тўплами ҳар қандай тоифадаги китобхон учун бирдай қизиқарли ва фойдали бўлиши шубҳасиз.

Н.ҲАБИБУЛЛАЕВА

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҚ ЖАДИДИ

Сайфулғабит Мажит тақдири

У биринчи бор қорақалпоқ тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилди ҳамда улар асосида лотин графикасидаги қорақалпоқ алифбосини яратди.



Қатағон қирғини миллат танламаган. Қайси халқнинг илғор фикрли, миллатпарвар вакили бўлса, деярли барчаси совет тузумининг қонли исканжасига тушиб, қатлиом домига тортилган. Қорақалпоқ адабиёти ва тарихшунослигида маълуму машҳур Сайфулғабит Мажитов ҳам замонасининг ҳурфикрли, пешқадам зиёлиларидан бири эди. У шоир, носир, драматург, маърифатпарвар ва педагог сифатида қорақалпоқ халқи тарихида ўчмас из қолдирган. 1920 йилларда унинг номи маърифат ва саводхонлик ғоялари, газета чиқариш, илк дарсликлар, маърифатчилик ва саҳна санъати ривожи билан чамбарчас боғлиқ эди.

1869 йили қашшоқ деҳқон Абдулрақип оиласида туғилган Сайфулғабит 8 ёшга тўлганида оила яхши ҳаёт излаб, аввал Оренбургга кўчиб ўтади. Оренбург ўша даврда Россия империясининг Туркистон билан савдо олиб борадиган маркази эди. Аммо 1877-1878 йиллари рус-турк уруши бошланиши билан вазият ўзгарди: барча ресурслар фронтга сафарбар этилди, ҳарбий бўлинмалар тайёр ҳолга келтирилди. Ана шундай таҳликали вақтда Мажитовлар оиласи Ақтўбе губерниясига кўчиб кетади. Сўнг Абдулрақип оиласи билан бирга савдо каравонига қўшилиб, Қўнғиротга кетишга мажбур бўлади.

Шу тариқа Мажитовлар оиласи Чимбой уезди ҳудудларига келиб қолади. Ёш Сайфулғабит маҳаллий мусулмон мактабига қатнай бошлайди. Зеҳни ўткир қаҳрамонимиз тез фурсатда саводини такомилга етказиб, Иният Ниёзов исмли бўлис бошқарувчисига котиб бўлиб ишга ёлланади. Айни шу даврда Сайфулғабитнинг ижодий истеъдоди намоён бўлади. У халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғади, шеърлар ёзади ва маърифатчилик билан астойдил машғул бўлади. Масалан, 1907 йилда ёзилган “Иният болисқа” шеъридан мисол келтириш мумкин:

Чимбойнинг ери кенг, суви фаровон,
Лекин билимдан йўқ ҳеч ному нишон.
Йигирма минг уй, йигирма минг жон,
Бир мактаб йўқ, ўқиб, билим олмаған...

1912 йили Мажитовлар оиласи Қўнғиротга кўчиб келади. Ўша пайтлар Қўнғирот Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларига Устюрт кенглиги орқали ўтувчи элчилар, савдогарлар ва турли экспедицияларни қабул қилувчи марказлардан бири бўлган. Ушбу кент нафақат йирик савдо, балки маърифат ўчоғи сифатида ҳам машҳур эди. Бу ерда кўплаб маҳаллий мактаблар ва масжидлар фаолият кўрсатган. Сайфулғабит Қўнғиротда таниқли ўзбек маърифатпарвар шоири Муҳаммад Шариф Сўфизода раҳбарлигидаги янги усул мактабида таълимни давом эттиради. Айнан шу даврдан бошлаб унинг жадидлик ғояларига асосланган фаолияти бошланади ва бу унинг тақдирида ҳал қилувчи бурилиш ясайди.

Дарҳақиқат, Сайфулғабит Мажитов фаолияти XX аср бошида жадидлар илгари сурган ва амалга оширган ғоялар билан уйғун эди. 1920–1924 йилларда у умумий саводхонлик ва таълим ғоясини фаол равишда тарғиб қилди. Янги усул мактаблари очди, Қўнғирот беклиги маориф бўлимига раҳбарлик қилди. Хивада нашр этиладиган “Инқилоб қуёши” газетаси таҳририяти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатди.

1925 йилда Қорақалпоқ автоном области ташкил топгач, Сайфулғабит Мажитов қорақалпоқ тилидаги илк дарсликларни тузиш ишларига жалб қилинади. Бу вақтда алифбо араб графикасига асосланган эди. 1925 йил охирига келиб у “Қорақалпоқ тилида алифбе”, “Камбағаллар саводи”, “Ўқув китоби” номли илк қорақалпоқ дарсликларини тайёрлаб, Тошкентда нашр эттирган.

1927 йилдан Сайфулғабит Мажитов “Эркин Қорақалпоқ” газетаси таҳририятида иш бошлайди ва бир вақтнинг ўзида ижод билан шуғулланади: шеърлар, пьесалар ёзади. Газета таҳририяти ҳузурида ташкил қилинган адабий тўгаракка раҳбарлик қилиб, қорақалпоқ ўлкасининг узоқ-яқин минтақаларида истиқомат қиладиган ёш шоир ва ёзувчиларнинг бошини бириктиради.

Шу даврда қорақалпоқ тили ёзувини лотин алифбосига ўтказиш жараёни бошланган эди. Сайфулғабит Мажитов мазкур алифбога ўтиш қўмитасининг фаолиятида иштирок этади. У биринчи бор қорақалпоқ тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилди ҳамда улар асосида лотин графикасидаги қорақалпоқ алифбосини яратди. Новатор педагог ўзининг бой илмий-педагогик тажрибасидан фойдаланиб, лотин графикасига асосланган дарсликлар ва ўқув дастурларини тайёрлашда иштирок этди ва бу жараёнларга раҳбарлик қилди. Шунингдек, у “Суйин ва Сара”, “Қулмурат”, “Ўн тўққиз”, “Боғдагул” номли роман ва пьесаларини нашр қилди.

Сайфулғабит Мажитов биринчи марта 1930 йилда Тахтакўпирдаги советларга қарши қўзғолон (1929 йил сентябрь) туфайли ҳибсга олинди. Уни аксилинқилобчи, Туркистон мустақиллигини тарғиб қилаётган ёзувчи сифатида айблашган. Миллатпарвар адиб маҳаллий ёзувчилар ва жамоатчилик ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлгани учун саккиз ойдан сўнг оқланди. Бироқ унинг асарларини нашр қилиш тақиқлаб қўйилган.

Шу пайтдан бошлаб Сайфулғабит Мажитовга қарши танқидий кампания уюштирилиб, унинг шаънига турли бўҳтонлар ёғдирила бошлайди. Бу жараён “Мажитовчилик” деб аталган. А.Бегимов деган “танқидчи” “Қизил Қорақалпоғистон” газетасида уни буржуазия миллатчиси сифатида айблайди. Бу атама ўша даврда энг оғир тавқилаънат бўлиб, айбланувчининг ҳаёти хавф остида эканидан дарак берарди. 1934-1935 йиллар Сайфулғабит Мажитов учун энг оғир давр бўлди. Уни қорақалпоқ адабиётига буржуазия ва миллатчилик ғояларини олиб киришда айблашган.

1935 йил 26-30 апрель кунлари қорақалпоқ ёзувчиларининг беш кунлик биринчи семинари ўтказилди. Унда қорақалпоқ адабиётида социалистик реализм масалалари муҳокама қилиниб, Сайфулғабит Мажитов танқид остига олинади. Матбуот эса ушбу воқеалар тафсилотини чоп этиш билан чекланмай, имкон қадар бўрттириб, оловга мой сепиш билан шуғулланади. Масалан, Қорақалпоқ ВКП(б) вилоят қўмитасининг 1935 йил май ойида нашр қилинган “ҚҚАССР Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти ҳақида”ги қарорида Сайфулғабит Мажитов асарларида “феодал, буржуа-миллатчилик мафкурасини акс эттирган” деб айбланди.

Сайфулғабит Мажитов 1937 йил 20 сентябрда иккинчи марта ҳибсга олинди. Бу вақтда республика раҳбариятидаги деярли барча ходимлар зиндонбанд этилган эди. Барча “иш”лар 169-рақами остида бирлаштирилди. Айбдорлигини тан олиш тўғрисидаги кўрсатмалар олиш мақсадида унга нисбатан жисмоний ва маънавий қийноқлар қўлланилди. Саккиз ой давомида инсонга хос бўлмаган шароитларда сақланган Сайфулғабит Мажитов азобларга дош беролмай, қамоқда вафот этди. Мудҳиш қатағон тиғидан ҳалок бўлган фидойи инсонга қарши қўзғатилган тўқима айблар бугунга келиб тумандек тарқади. Адолат қарор топди.

Қорақалпоғистонда улуғ педагог, маърифатпарвар, олим-тадқиқотчи, шоир ва драматург Сайфулғабит Мажитов хотираси эъзозланиб, унинг ибратли ҳаёти ва фаолияти тарғиб этиляпти. Унинг хотирасига бағишланган кўплаб илмий ишлар нашр қилиниб, танланган асарлари чоп этилмоқда.


Қаҳромонимизнинг мураккаб ҳаёти Ватан, халқ ва маърифат ғояларига садоқат билан хизмат қилишнинг беназир намунасидир. Жадидлар тарғиб қилган маърифат ғояларига асосланиб эл-юрт манфаати, келажаги йўлида бетиним меҳнат қилган бу сиймонинг унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланажак.

Асқар ЖЎМАШЕВ,
Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти бўлим мудири,
тарих фанлари доктори, профессор
Сабит НУРЖАНОВ,
Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори

ТАБДИЛ

МУХТОРИЯТ – МИЛЛИЙ ЛАЙЛАТУЛҚАДРИМИЗ

1917 йилнинг 27 ноябр тонги жадидлар кўнглидаги озодлик ғояларининг шуълаларидан ёришди. Кечга бориб, Қўқон шаҳрида йиғилган Туркистон қурултойи миллий озодлик кураши йўлидаги энг муҳим амалий қадамлардан бирини қўйди – Туркистон мухторияти расман эълон қилинди.



Туркистон мухторияти… Темур ҳоқоннинг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан уғурли **(хосиятли)**, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман.

Туркистон туркининг қонини қайнатувчи, имонини юксалтгувчи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон мухторияти!

Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди; тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди **(ёпилди)**, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизға тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остиға олинди – тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйунсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, имонларимизга авраб сақладик: Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруғсиз турмаларда ётганда, йиртғувчи **(йиртқич)** жандарманинг тепкуси билан йиқилғанда, юртларимиз ёндурулғанда, диндошларимиз осилғанда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўралмадик. Шул чоғда, тушкун руҳимизни кўтармак учун шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!..

Инқилоб бўлди. Русиянинг “қўшма халқ жумҳурияти” усули билан идора этилури жарланди (эълон қилинди). Шул эълон узра ясалған Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Кўнуқ (навбат) Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбалиқларидан (пойтахтларидан) иккинчиси бўлған Ҳўқанд шаҳрида тўпланган Туркистон қурултойи 27 ноябрнинг (миллий лайлатулқадримиз бўлған) ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИ

Туркистон Муваққат Кенгаши
Миллат Мажлиси парламент
Ижроия ҳокимият

Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов – Бош вазир ўринбосари

Мустафо Чўқаев – ташқи ишлар вазири

Бош вазир ва ички ишлар вазири – **М.Тинишбоев,** кейинчалик **М.Чўқаев**

Абдураҳмон Ўрозаев – ички ишлар вазири ўринбосари

Убайдулла Хўжаев – ҳарбий вазир

Саломон Абрамович Герцфелд – молия вазири

Ҳидоятбек Юрғули Агаев – ер ва сув бойликлари вазири

Обиджон Маҳмудов – озиқ-овқат вазири

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдур. Съезд ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидур. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдур. Бунларни миллат ҳозир қилсун.

ФИТРАТ
“Ҳуррият”, 1917 йил 5 декабрь.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мулла Юсуф Ёқубов – 1870 йили Жиззах районида туғилган. 1919 йилда “Шўрои Ислом” ташкилотига аъзо бўлган. Аксилинқилобий фаолияти учун 1919, 1932 ҳамда 1933 йиллари қамоққа олинган. Қамоққа олингунга қадар имомлик қилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Мулла Эгамберди Бобожонов – 1889 йили Жиззах шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ва “Шўрои Ислом” ташкилотларининг аъзоси бўлган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, фашистик тузумни мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Абдулла Аҳмедов – 1892 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Аксилинқилобий фаолияти учун 1933-1934 йиллари қамоққа олинган. Ҳибсга олингунга қадар театр хўжалиги мудири бўлиб ишлаган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлиб аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган.

Носир Мамашев – 1887 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Собиқ полиция хизматчиси бўлган. 1918 йили партиядан ўчирилган. Шу йили “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган. 1932 йили босмачиликдаги иштироки учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Аҳмаджон Носирбоев – 1884 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Собиқ савдогар. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган ва 7 ой ҳибсда бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида халқ душманларини мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Жунайдуллахон Ёқубов – 1894 йили Фарғона райони Ёрмозор қишлоғида туғилган. “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси бўлган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, “Мусулмонобод” ҳукуматини тиклаш ҳақида ташвиқот юргизганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Азиз Қаюмов – 1898 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1919 йилдан 1935 йилгача партия аъзоси бўлган. Ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун кейинчалик партиядан ўчирилган. “Ботир гапчилар” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда институтда инструктор бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

Муйдин Улуғхонов – 1870 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йилдан “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Аҳоли орасида аксилинкилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Толибжон Охунжонов – 1884 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1920 йилдан 1930 йилгача партия аъзоси бўлган. Аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил камоққа ҳукм қилинган ва шу сабаб партиядан ўчирилган. Ҳибсга олингунга қадар нафақахўр бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Шаҳобиддин Турсунбоев – 1871 йили Наманган шаҳрида туғилган. Ҳибсга олингунга қадар имомлик қилган. “Шўрои Ислом”, “Муйнил Ислом” ташкилоти аъзоси бўлган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган.

Мултархон Асқархонов – 1896 йили Чуст шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, шеърларга аксилинқилобий ўзгартиришлар киритганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган.

Мирза Неъмат Бойвачча Оғаликов – 1900 йили Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлуботида ишчи бўлган. Колхозда бузғунчилик ишлари олиб борганликда ва аксилинқилобий адабиётларни сақлаганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ТУПРОҚҚА “ЭКИЛГАН” АЖАЛ УРУҒИ

“Қаҳрамон”ларимизнинг ота-онаси қизлари келгусида геолог касбини эгаллаб, ризқини она тупроқ бағридан ҳалол йўл билан топиб, эл орасида обрў-эътибор қозонади, деб умид қилган бўлсалар не ажаб. Аммо уларнинг “геологлик иши” бошқа тубан мақсадга йўналтирилган эди. Оқибатда ёш умрлари тупроқтеги, ота-оналарининг бошлари хам бўлиб, ерга эгилди...



Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган статистик рақамларга кўра, 2022 йилда 2 минг 427 та, 2023 йилда 3 минг 13 та гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш билан боғлиқ жиноят аниқланган.

Бу каби воситалар миқдори ҳам ортган – 2022 йилда 2 минг 31, 2023 йилда 10 минг 306 килограмм гиёҳвандлик воситаси аниқланган бўлса, психотроп моддалар 2022 йилда 81 кг, 2023 йилда эса 172 кг муомаладан олинган.

Нима бўлди-ю, Нигора сессия имтиҳонлари оралиғидаги танафусда зерикиб, телеграм орқали россиялик Зина исмли аёл билан танишиб, қисқа вақтда у билан апоқ-чапоқ бўлиб қолди. Айниқса, Зинанинг суратларига боқиб, унинг мўмай даромад топувчи замонавий аёл экани диққатини тортди. Янада яқинроқ танишиш истаги пайдо бўлди.

– Қандай иш билан шуғулланасиз, сир бўлмаса? – деб сўради у Зинадан.

– Жуда масъулиятли, шунга яраша сердаромад иш, – деди у. – Истасангиз, сиз ҳам шуғулланишингиз мумкин, йўл-йўриғини ўргатаман.

У шундай дея “сердаромад иш”нинг номини ёзиб, уни телеграмдан “излов” буйруғи орқали ўзи топиб олишини айтди. Нигора ўйланиб ҳам ўтирмади. Айнан ана шу беқарорлиги сабаб муқаддам бировга оғир тан жароҳати етказиб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига тортилгани, судда худонинг зорини қилиб, норасида боласини ўртага солиб, енгиллик олганини ҳам унутди. Зина билан суҳбатлари тугаши арафасида синглиси Комила ошиғи Давронни етаклаб хонага кириб қолди. Уларга “бебилиска соққа” дарагини суюнчилади ва айтилган манзилни тармоқдан излашга тушди. Мана, топди! Рўйхатдан ўтиш керак экан, ўтди!

Сал ўтмай телефонига қўнғироқ бўлди. Бу “иш”ни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриши, чунки жуда хавфлилиги, лекин эҳтиёткорона шуғулланса, тез орада катта фойда кўриши ҳақида гапирди гўшакнинг нариги томонидаги одам.

– Қарорим қатъий, – деди Нигора. – Вазифаларимни тушунтиринг!

Барчаси тушунтирилди: вазифаси, ишлаш тартиби, вақти, хизмат ҳақи...

Ҳатто унга алоҳида “устоз” раҳбар бириктирилди. Нигора келгусида топшириқни ана шу раҳбаридан олади ва унинг кўрсатмалари асосида иш юритади, унинг рухсатисиз ортиқча бир қадам ҳам ташламайди. Нигорани ижтимоий тармоқда аввалдан мавжуд бўлган бир гуруҳга қўшиб қўйишди.

Маслакдошлар гуруҳи ҳисобланмиш бу “ҳамкасблар” топшириқни мана шу ердан олишади ва бажаришади. Маошлари ишбай, вазифанинг муваффақият даражасига қараб, электрон ҳамёнларига ташлаб берилади.

Раҳбари ўргатганидек, Нигора “наркокурьерлик”, яъни гиёҳванд моддаларини ташиш ва етказиш ишларини бажариши учун зарур бўлган иловалар – интернет уламасдан ҳам маҳсулотнинг жойлашув жойини аниқлаб топиб берадиган; жойлашув жойини белгилайдиган; бир неча суратни бир фотода жамлайдиган; электрон ҳамён каби иловаларни телефони хотирасига юклаб олди. Тошкент шаҳридан бир хонадонни ижарага олиб, электрон ҳамёнига олдиндан ҳомийлари юборган пулга маҳсулотни қадоқлаш учун керак бўладиган жиҳозлар харид қилди. Қадоқлаш ишларини улар телеграмдаги гуруҳга юборган видеоқўлланмадан ўрганиб олди.

Тайёрлов босқичидан ўтгач, бошқарувчисидан хабар келди: “Сенинг асосий вазифанг – телеграмдан юборилган манзилларга бориб, у ерларга кўмиб қўйилган яхлит “товар”ни топиб олиш, уни турли оғирлик ва ҳажмдаги бўлакларга бўлиб, қайта қадоқлаш ва келгусида интернет тармоғи орқали сотишимиз учун бизнинг кўрсатмамиз бўйича Тошкент шаҳри ва вилояти туманларидаги ҳудудларга қайта кўмиб чиқишдан иборат! Иш вақти тонгги соат 4:00 дан кундузги соат 11:00 гача, чунки бу вақт ишлаш учун энг хавфсиз, милиция ходимлари бўлмайди”. Шу заҳотиёқ унинг илк вазифасини амалга оширадиган жой манзиллари локациясини юборди.

Топшириқни қабул қилиб олган Нигора ёнига синглиси Комилани олиб, Давроннинг “Spark” русумли машинасида Бўстонлиқ тумани сари отланишди.

Тонгги соат 4:00 да ўша манзилга етиб бориб, у ерга “ҳамкасблари” томонидан кўмиб кетилган маҳсулотни топиб, қазиб олишди. Оғирлиги 100–150 грамм миқдоридаги қадоқланмаган синтетик гиёҳвандлик воситаларини ижара уйга олиб келишди. Уни бир нечта кичик-кичик бўлакчаларга бўлиб, қайта қадоқлашди. Ўргатишганидек, Нигора янги маҳсулот тайёр бўлгани ҳақидаги суратни тайёрлаб, телеграмдан жўнатган эди, сал ўтиб иш бошқарувчи пакетчаларни кўмиб келиш учун янги локациялар юборди. Яна учовлон тун қоронғисида йўлга тушишди ва коптокчаларни бу гал Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ туманларидаги тегишли ҳудудларга кўмиб чиқишди.

Кундан-кунга жўнатмалар вазни ҳам, унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳам ошиб борарди. Нигора май ойида нотаниш шахсдан навбатдаги жўнатма – 3 дона қоғоз қутини олиб қолди. Жўнатмада сув насоси бўлиб, унинг ичида қоғозга ўралган 700 дона таблетка, 300-400 грамм гиёҳвандлик воситаси жойланган эди.

Кўрсатмага биноан учовлон аввал таблеткаларни майдалаб кукун ҳолига келтиришди. Сўнг оздириш учун чиқарилган капсулаларнинг ичини бўшатиб, ўрнига ўша кукунни жойлаб чиқишди. Энди қисмларга ажратиб, айтилган жойларга кўмиб келиш қолди, холос. Бу манзилларнинг аксарияти олий ўқув юртлари, мактаб ва лицейларга яқин жой эди. Бу ердан кимларга тарқалиши эса ўзингизга маълум.

Ҳамтовоқлар “янги бизнес”и бароридан келаётгани ва мўмайгина даромад топишаётганидан жуда хурсанд эди.

Бу тунда янада катта иш келиб тушди: Олмазордан Тошкент тумани Ҳасанбой шаҳарчасигача тасвирланган манзилдан товарни олиш керак. Опа-сингил Даврон бошқарувидаги уловга ўтириб, Тошкент туманидаги “Фаввора” кафесига ёндош қурилиши тугалланмаган бинонинг орқа тарафида жойлашган майдонга боришди. Режага кўра, опа-сингиллар машинада кутиб турадиган, Даврон юкни топадиган бўлди. Йигит уловидан тушди, телеграмдан келган локация бўйича ҳаракатланиб борди.

Бинодан 50 метр узоқликдаги дала майдонида ўтлар орасига кўмиб қўйилган “хазина”ни топди. Полиэтилен пакетга жойланган, пластик идишлардаги товар нақ 3,9 кг гиёҳвандлик воситаси эди.

– Ҳосил мўл-ку, – дея унинг тупроғини қоқаркан тиржайди Даврон. – Демак, соққаси ҳам зўр бўлар экан-да!

Аммо бу гал унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Халтани ердан олиши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уни қўлга олишди. Юзлаб ёшларни, хусусан, талабаларни, ўқувчиларни ёки уларнинг ота-оналарини тубсиз жарликка ғарқ этиши мумкин бўлган оғунинг тарқалишига бу гал вақтида нуқта қўйилди.

Экспертиза хулосасига кўра, тезкор тадбир давомида фош бўлган ушбу модда республикамиз ҳудудида муомаласи тақиқланган гиёҳванд воситалари туркумига кириши аниқланди. Жиноятга жазо муқаррар. Суд ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Нигорага муқаддам тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, Комила 6 йил, Даврон эса 10 йил муддатга озодлик деган бахтни туймайдиган бўлишди.

Умид қиламизки, бу муддат улар қилмишларининг жирканчлиги ва инсониятга чоҳ эканини тушуниб етишлари ҳамда хатоларидан тўғри хулоса чиқариб олишлари учун бир сабоқ бўлади. Зеро, жиноятга жазо тайинлашдан асосий мақсад ҳам шу, аслида.

Тафсилотдан ниятимиз эса барчани янада ҳушёрликка чорлаш, аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликка, унинг бугунги тезкор ахборот майдонидаги учқур ва хийлакор ҳаракатига қарши ҳар биримиз курашишимиз ва бу борада янада жипслашишимиз кераклигини уқтиришдир.

ИЛДИРГИ: *Мақола Жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судида кўрилган жиноят иши материаллари асосида тайёрланди.*

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист



Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисми:

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Хаёл чалғиб йўл четида турган бир машинани туртиб юбордим. Чиқиб қарасам, эгаси йўқ экан. Эшигига рақамимни ёздим-да, йўлимда давом этдим. Беш дақиқа ўтар-ўтмас телефоним жиринглади ва аёл киши: “Ассалому алайкум, машинамни туртиб кетибсиз, келасизми?” деди. Ҳозир бораман, дедим ва дилимда илиқлик пайдо бўлди. Чунки бунақа пайти машинаси шикаст еганлар дағдаға қилади ва бунга ҳаққи бор. Бу аёл эса салом билан бошлади гапни.



ИНСОФЛИ ЁШЛАР

Етиб борганимда ёшгина жувон бояги машинани олдида турган экан. “Салондан бир ой бўлди чиққанига”, деди кулиб, сўнг эрига телефон қилиб менга тутқазди гўшакни. Эри ҳам салом билан, одоб билан гап бошлади. “Машинани урган жойингизни суратга олиб телеграмдан ташлаб беринг, усталар билан гаплашиб, нархини айтаман”, деди. “ГАИ чақирамиз, ундай қиламан, бундай қиламан”, демади. Яп-янги “Onex”ни туртган эканман. Расмга олиб ташлаб бердим. Рости, бунақа ишкалларни эшитавериб, камида уч миллион мўлжаллаб турувдим. Йўқ, ундай бўлмади. “Ака, сиз ҳам бу ишни атайлаб қилмадингиз, сизниям бола-чақангиз бор, оғринманг, уста билан гаплашдим, рози бўлиб аёлимга 400 минг бериб кетинг, бўлади” деди. Унинг гапини эшитиб, гапиролмай қолдим. Унинг ўрнида мен бўлсам шунақа дермидим, бошқа бўлганда-чи?

У айтган пулни бериб, раҳмат айтдим ва кетдим. Эртаси куни ўз машинамнинг қирилган жойини тузатиш учун кўпчиликнинг тавсияси билан бир устанинг олдига бордим. Уста олтмишлардан ошган киши экан. Машинамни кўздан кечириб бўлгач, “Тўрт кун ташлаб кетасиз, уч ярим миллион бўлади”, деди. “Жума куни дам оламан, безовта қилмайсиз”, деб қўшимча қилди яна.

Хўп, дедим ва тўғри Фарҳод бозори ёнидаги автоусталар маконига бордим. У ерда қирилган, туртилган машиналарни тузатадиган йигитни айтишди. Фазлиддин экан исми. У 25 ёшлар атрофидаги йигит экан, машинамни кўргач: “Бир соатда ойдай қилиб бераман, 300 минг сўм бўлади”, деди...

Мен икки кунда рўй берган бу воқеалардан жуда таъсирландим.

Энди мен сўзда бору амалда йўқ катталарга эмас, сўзи, амали, инсофи бор мана шундай ёшларга ишонаман. Улар ёмонланадиган давраларда ўтирмайман. Инсофдан айрилмаган ёшларга таъзим қиламан. “Жума”ни пеш қилиб, без бўлиб оғзига келган пулни сўрайдиган, инсофу иймонини еганлардан Ўзи асрасин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

ПИРОГ ва ЧЕБУРЕК

Янглишмасам, 2008 йил эди. Шоир Усмон Азим билан Қримга, Халқаро туркий шеърият фестивалига борганмиз. Қримтатарлар ўзбекларни кўп яхши кўрар экан, Сталин томонидан қатағон қилинган қайғули кунларида ўзбеклар уларга нон-туз, бошпана берганлиги учун ўзларини қарздор ҳис этар эканлар. Пул йиғишиб, ўзбек халқи ҳурматига Қримда каттагина ёдгорлик ҳам ўрнатишган экан. “Ўзбекистонда бизнинг қабрларимиз қолган”, дея қайғули гапирганлари ҳамон эсимда.



Шунгами, улар бизни кўп сийлашди, ўзбек шоирлари келибди дейишиб, навбатма-навбат меҳмонга чақиришди.



Қарангки, қайси уйга қўноққа бормайлик, уй бекалари ўчоқ бошида чебурек пишириб куймаланаётганини кўрганмиз. Мен шунда чебурек қримтатарларнинг биринчи рақамли қадимий таоми эканини билганман. Демак, ўзининг энг суюкли таомига номни бу халқ бировдан қарзга олиб ўтирмайди, ўз тилидан топади.

Шу ўринда асли туркий бўлган чебурек сўзи ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Қиримтатар тилидан дунёга кенг тарқалган бу сўзнинг таркибида ҳам пирогдаги каби *бурек – бёрек* сўзи бор. Манбаларда *çig – майдаланган гўшт* маъносини ва *бёрек* пирог маъносини англатиши ҳақида айтиб ўтилган.

Эшқобил ШУКУР

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 827
Лотин ёзувидаги адади – 11 904
Медиа кузатувчилар – 19 170
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz